БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИКА БОШЛАГАН • № 141 (18.019). • 19 июнь 1981 йил, жума • Баҳоси 2 тийин.

СОВЕТ МУКОФОТИ ТОПШИРИЛДИ

Суратда: мукофотни топшириш пайти.

Э. Песов ва А. Стужин фотоси. (ТАСС—ЎзТАГ).

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев 18 июнь куни Кремлда Жаҳон тинчлик кенгашининг Президенти Ромеш Чандрага Ленин орденини топшириш пайтида нутқ сўзлади.

Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи

Ҳурматли ўртоқлар!

Мен аввало бизнинг ҳаммамизнинг азиз дўстимиз Ромеш Чандрани Ленин орденига сазовор бўлганлиги билан самимий табриклайман. Бу унинг тинчлик ғояларига қилаётган хизмати, милитаризм ва агрессия кучларига қарши қурашдаги фидокорлиги учун берилган мукофотдир.

Тарихчилардан бири инсоният тарихи — урушлар тарихи, деган аччиқ гапни айтган эди. Дарҳақиқат, биз ўтмишга назар солар эканмиз, мудҳиш қонли олишувлар кетма-кет давом этганлигини кўрамиз. XX аср бу борада ҳамма рекордларни ўзиб кетди: икки марта жаҳон уруши бўлди, давлатлар ўртасида кўпгина маҳаллий можаролар рўй берди. Булар кифоя эмасми? Шу мавзуда гапирганда бутун мавжудотни йўқ қилиб ташлай оладиган қурол-яроғлар тўпланган бир пайтда бу масалани ўртага қўйиш жуда ўринлидир.

Ҳар бир халқ қўшнилари билан тинч-тотув яшашдан ва улар билан биргаликда инсониятнинг муштарак уйи — Ер планетасини авайлаб сақлаш ва кўркамлаштиришдан астойдил манфаатдор эканлигига шак-шубҳа йўқ.

Аммо воқеаларга реалистик кўз билан қараш керак. Очкўзлик ва шовинизм, кўрқув ва душманлик каби тўсиқлар кўпинча ишонч ва келишув йўлида қануқ ғов бўлиб турибди. Кишилар турли сиёсий ва диний қарашларга амал қиладилар. Айрим мамлакатларнинг тарихий анъаналари бир хил эмас. Ҳозирги кунда синфий тафовут ҳам, бошқа кўпгина зиддиятлар ҳам бор. Шу боисдан низоли масалалар юзасидан низоларни ҳал қилиб бериш ҳам, урушга қарши барча оқимларнинг ўзаро алоқа боғлаб ҳаракат қилиши ҳам, барча кишиларни, уларнинг қарашлари ва эътиқодларидаги тафовутлардан қатъи назар, тинчлик йўлидаги умумий ҳаракатга жалб этиш ҳам жуда муҳимдир.

Шу сабабли тинчлик тарафдорлари ҳаракати олижаноб фаолиятнинг қадр-қийматига етмоқ керак. Бу — беларво бўлмаган кишиларнинг садоси, мардлар садоси, таъқиб ва таҳдидларга қарамай, ақл-идрок ва виждон билан иш кўришга даъват этувчилар садосидир.

Ақл-идрок, виждон, келажакка ишонч — тинчлик тарафдорларининг қуролидир: зўр бериб қуролланиш ҳамда конфронтация тарафдорлари эса бу қуролдан маҳрумдирлар. Тинчлик ғояларининг ҳукумат ва парламент доираларига кўрсатаётган таъсири ўсиб боришига, пировард натижада халқларнинг куч-ғайрати билан урушнинг мудҳиш булутлари тарқатиб юборилишига аминман.

Биз мустаҳкам тинчликни — ҳукмронлик қилиш ва бўйсуниш муносабатлари бўлмаган жойда муқаррар адолатли тинчлик, тенглар тинчлиги деб ҳисоблаймиз.

Биз мустаҳкам тинчлик — ҳамманинг тинчлигидир, деб ҳисоблаймиз. Ер юзининг лоақал бир бурчагида уруш олови аланга олар экан, осойишталик йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас.

Биз мустаҳкам тинчликни ҳамкорликда, давлат арбобларининг учрашувлари ва мулоқотларини, барча мамлакатлар ва халқлар ўртасидаги маҳкам алоқаларни албатта кўзда тутади, деб ҳисоблаймиз.

Биз КПССнинг XXVI съездида уруш ва тинчлик масалалари юзасидан ўз позициямизни очиқ ва равшан баён қилдик. Жамоатчиликнинг тинчлик тарафдорлари ҳаракати каби гоят нуфузли ҳаракати 80-йиллар учун биз илгари сурган Тинчлик программасини тўла-тўкис ғалабага олганлиги бизни қувонтиради.

Ўртоқ Ромеш Чандра, Сизга олий мукофотни топширар эканман, сиҳат-саломат бўлишингизни ва масъулиятли фаолиятингизда янгидан-янги муваффақиятларга эришувингизни чин кўнгилдан тилайман.

* * *

Ўртоқ **Р. Чандра** ўзининг жавоб нутқида бундай деди:

Менга кўрсатилган юксак шараф — Ленин ордени билан мукофотланганлигим туфайли бениҳоя хурсанд ва бахтиёрман. Мен бу ордени Жаҳон тинчлик кенгашининг оммавий ҳаракатларида қатнашаётган юз миллионларча оддий кишилар номидан ва шу кенгашда вакилдари бўлган барча қитъалардаги 137 мамлакат тинчлик тарафдорлари миллий ҳаракатлари номидан қабул қиламан.

Бу орден ўз ҳаётини, инсониятнинг энг улуғ ишига — ядро уруши хавфини йўқотиш учун, империализм, эски ва янги мустамлакачилик, ирқчилик, жабр-зулм, очлик ва қашшоқлик абадий тугатиладиган янги дунёни барпо этиш учун курашга бағишлаган сон-саноқсиз ҳаҳрамонларга мансубдир. Жаҳон тинчлик кенгаши 30 йилдан кўпроқ вақтдан буён ана шу энг олижаноб мақсадга эришмоқ учун курашиб келмоқда. Ҳозирги кунда Жаҳон тинчлик кенгаши жамоатчиликнинг кенг доираларинқ, турли сиёсий партияларни, оммавий ташкилотлар ва ҳаракатларни, маданий бирлашмалар ва бошқа бирлашмаларни ўз сафларида жиплаштирди. Жаҳон тинчлик кенгаши тинчлик йўлидаги кенг оммавий ҳаракатни мужассамлаштирмоқдаки, бундай оммавий ҳаракат тарихда илгари ҳеч қачон кўрилмаган эди.

Жаҳон тинчлик кенгашининг Президенти Америка империализми ва унинг шериклари — НАТОдаги энг агрессив доиралар ва Пекин раҳбарлари ўтказиб келаётган қуролланишни кучайтириш сиёсати ва конфронтация йўли натижасида ҳозирги кунда ядровий можаро хавфи аввалгисига кескин бўлиб қолди, деб таъкидлади. Президент қуйидагиларни уқтирди ўтди: ҳозирги пайтда бутун жаҳонда ва хусусан Европада ҳамда Америка Қўшма Штатларида халқларнинг тинчлик учун, ядро уруши хавфига қарши қудратли ҳаракати кучайиб бормоқда. Бундай кенг ва қудратли ҳаракат илгари ҳеч қачон бўлмаган эди. Бу эса тинчлик қучларининг ғалаба қозонишига, барча халқларнинг келажакда тинч яшашларига ишонч бағишлайди.

Р. Чандра сўзини давом эттириб, бундай деди: шу кунларда гитлерчилар Германияси Совет Иттифоқига ҳужум бошлаган кунга 40 йил тўляпти. Ленин мамлакатини ҳимоя этиб, ўз жонини фидо қилган 20 миллион совет кишисининг хотираси қалбимизда абадий яшайди. Уша пайтдан буён ўтган йиллар ичида инсоният фашизм асоратига қарши, барча халқларнинг энг азиз орзу-истакларини рўёбга чиқариш — бутун жаҳонда тинчликка эришиш учун курашда Совет Иттифоқи ҳал қилувчи ва жуда муҳим роль ўйнаганлигига янада кўпроқ ишонч ҳосил қилди.

Совет Иттифоқи ҳозирги кунда уруш хавфига қарши, қуролланиш пойгасини тўхтатиш учун, қуролсизланиш учун, миллий мустақиллик ва тараққиёт учун олиб борилаётган қатъий курашда яна тинчлик таянчи бўлиб қолмоқда. Совет Иттифоқининг тинчлик борасидаги ташаббуслари, КПССнинг Тинчлик программаси, Леонид Ильич, Сизнинг Ленин партияси XXVI съездида илгари сурган таклифларингиз планетадаги тинчлик тарафдорларига умид, куч ва ишонч бахш этади.

Жаҳон тинчлик кенгашиЖаҳонининг бахт-саодати йўлида Сиз ғажариб келган ва келажакда ҳам бажарадиган ҳамма ишлар учун Совет Иттифоқига, Коммунистик партияга, ҳукуматга, бутун совет халқига ва Леонид Ильич, шахсан Сизга самимий миннатдорчилик изҳор қилади.

Жаҳон Тинчлик кенгашининг Президенти нутқининг охирида бундай деди:

Мен Ленин орденини қабул қилиб, олар эканман, барча тинчлик тарафдорлари номидан тантанали равишда шу ғояларни айтаман: улуғ Ленининг номи ҳеч қачон сўнмайди! Биз ҳамиша унинг васиятларига амал қиламиз. Биз ғалаба қозонамиз. Чунки Ленин биз билан биргадир.

* * *

Мукофотни топшириш вақтида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарев, СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. П. Георгадзе, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. И. Блатов, КПСС Марказий Комитети бўлим мудирларининг ўринбосарлари В. Н. Игнатенко, В. С. Шапошников ва бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

Шу ерда ҳозир бўлган кишилар ўртоқ Р. Чандрани юксак совет мукофоти билан самимий табриклардилар.

(ТАСС).

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

БОЛГАРИЯ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ БОШ СЕКРЕТАРИ, БОЛГАРИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ КЕНГАШИНИНГ РАИСИ ЎРТОҚ ТОДОР ЖИВКОВга

Азиз ўртоқ Тодор Живков,

Болгария Халқ Республикаси Давлат Кенгашининг Раиси лавозимига қайта сайланишингиз муносабати билан Сизни Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми номидан ва шахсан ўз номимдан астойдил табриклайман. Бу юксак давлат лавозимидаги самарали фаолиятингизда янги катта муваффақиятлар тилайман.

Шу мавриддан фойдаланиб, Совет Иттифоқи билан Болгария ўртасида замон синовидан ўтган қардошларча дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорлик совет ва болгар халқларининг фаровонлиги йўлида, социалистик ҳамдўстликнинг бирлиги ва жипслигини мустаҳкамлаш манфаатлари йўлида, Европада ва бутун дунёда тинчлик ҳамда хавфсизликни таъминлаш йўлида бундан буён ҳам ривожланаверади, деб қатъий ишонч билдираман.

Л. БРЕЖНЕВ.

БОЛГАРИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ РАИСИ ЎРТОҚ ГРИША ФИЛИПОВга

Азиз ўртоқ Филипов,

Сизнинг Болгария Халқ Республикаси Министрлар Совети Раиси қилиб сайланишингиз муносабати билан Сизга Совет ҳукумати номидан ва шахсан ўз номимдан самимий қутловлар йўллайман.

Янги масъулиятли лавозимда болгар халқининг фаровонлиги йўлида, Совет Иттифоқи билан Болгария ўртасидаги қардошларча дўстлик ва мустаҳкам ўзаро ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантириш манфаатлари йўлидаги фаолиятингизда Сизга катта муваффақиятлар тилайман.

Н. ТИХОНОВ.

ШАҲАР ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Тошкент шаҳар партия комитетининг 18 июнь куни бўлиб ўтган пленумида КПСС XXVI съезди қарорлари ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи пленуми қарори асосида кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашни янада яхшилаш масалалари муҳокама этилди. Шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. Умаров доклад қилди.

Пленумда фан-техника тараққиёти ютуқларини, меҳнатни ташкил этишнинг илғор форма ва методларини ишлаб чиқаришга жорий этиш асосида қурилиш самарадорлиги ва сифатини ошириш юзасидан КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди шаҳардаги қурилишлар, қурилиш индустрияси корхоналари, лойиҳа ва илмий-тадқиқот институтлари партия ташкилотлари олдига қўйган вазифалар ҳам кўриб чиқилди.

Пленум иштирокчилари Куйбишев район партия комитетининг меҳнат коллективларида «Қолоқларсиз ишлаймиз!» ҳаракатини ривожлантириш соҳасида бошланғич партия ташкилотларига қандай раҳбарлик қилаётганлиги тўғрисидаги ҳисоботни ҳам муҳокама қилдилар.

(ЎзТАГ).

ЭНЕРГОСОЗЛАР БАЙРАМИ

ШИРИН (Сирдарё области), 18 июнь. (ЎзТАГ мухбири). Бугун энергетиклар ва қурувчиларнинг навқирон шаҳрида катта, қувончли байрам. Мамлакатнинг энг йирик иссиқлик электр станцияларидан бири Сирдарё ГРЭСининг сўнгги, ўничи блоки муддатидан илгари ишга туширилди ва лойиҳада белгиланган 300 минг киловатт қувватга эришилди. Ўртоқ Л. И. Брежнев қудратли энергетика маркази қурилишининг барча қатнашчиларини ажойиб меҳнат ғалабаси билан самимий муборакбод қилди. Ширин шаҳрида бугун ўтказилган тантанали митинг шу воқеага бағишланди.

Йиғилиш аҳли ўртоқ Л. И. Брежневнинг табрикномасини гулдурос қарсаклар билан қутиб олди. Сирдарё область партия комитетининг биринчи секретари В. А. Хайдуров ана шу ҳужжат текстини ўқиб берди.

...Зарбдор иншоот қурувчилари, монтажчилари, ишлатувчилари ва бошқа меҳнаткашлари ишчилар эстафетаси бошланган ва муваффақият қозониш гарови бўлиб қолган биринчи иш куннинг эсга олдилар. Бу — 1970 йилнинг апрель тонги эди. Уша куни Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги нишонланган эди. Уша пайтда биринчи блокнинг пойдеворига дастлабки куб метр бетон ётқизилди, «СирдарьяГРЭСстрой» бригадалари эса белгиланган иш графигини дарҳол ошириб бажара бошладилар.

Бетончилар дурадгорлик ва арматурачилик касбларини ўргана бошладилар. Пардозловчилар техникани ўзлаштириб, бир-бирларидан илғор иш усулларини ўргандилар. Монтажчилар учун дарҳол иш фронти очилди. Шу вақтга келиб буюртмачи — Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги мамлакатнинг барча республикаларидаги маҳсулот етказиб берувчи корхоналар билан маҳкам алоқа ўрнатди. Биринчи қозонинг деталлари Таганрогдан белгиланганидан илгари келтирилди. «Средизэнергомонтаж» трестининг меҳнаткашлари эса бу деталларни битталаб эмас, балки алоҳида майдончада олдиндан йиғиб қўйилган йирик блоклар тарзида жойига ўрнатишди. Трест меҳнаткашлари орасида Э. Улановнинг донгдор бригадаси ҳам бор эди. Бу тадбир ишларни янада жадаллаштириб юборди. Энди турбиналарни ҳам, генераторни ҳам муддатидан барвақт ўрнатиш лозим эди. Ленинграддаги «Электросила» ва «Металлический завод» бирлашмалари, сўнгра эса «Запорожьетрансформатор» бирлашмаси ҳам олис Мирзачўлда меҳнат қилаётган ўртоқларни астойдил қўллаб-қувватлаб, уларга керак вақтда ускуналарни юбориб турдилар. Новосибирск, Урал, Ереван, Барнаул, Олмаота, Фрунзе ва бошқа шаҳарларнинг меҳнаткашлари ҳам худди ана шундай иш қилдилар. Электростанция қурилган бутун йиллар давомида иш ана шу маромда давом этди.

Энди ҳар бир киши меҳнат қардошлигининг ажойиб самараларини, ишчилар эстафетасини, кенг авж олдирилган социалистик мусобақани кўриши мумкин — станциянинг ҳамма блоклари ишга туширилган бўлиб, саноат учун ток бермоқда. Бу ерда Ўзбекистон энергетикасида биринчи марта 300 минг киловатт қувватли агрегатлар қўлланилди, илк бор 500 минг вольт кучланишдан фойдаланилди, биринчи марта кўпгина технология жараёнлари автоматлаштирилди. Станция печларида республикада энг йирик Шўртан конидан олинаётган табиий газ ёниб турибди. Ана шу кондан Мирзачўлгача қисқа муддатда 400 километр узунликда магистрал газ қувури ўтказилган эди. Сирдарё ГРЭСи Ўрта Осиё бирлашган энергетика системасининг энг қудратли бўғини бўлиб қолди. Бу ердан чўзилиб кетган энергия линиялари Тошкент саноат зонасидаги, Фарғона ва Зарафшон водийсидаги корхоналарни энергия билан узлуксиз таъминлаш имконини беради.

Станция қурилаётган пайтдаёқ энергия ҳосил қилиш дадил кўпайиб борди ва ҳозирги кунда эса 63 миллиард киловатт-соатдан ошиб кетди. Бундай электр дарёси Сирдарё ГРЭСини қуриш учун сарфланган чиқимларнинг ҳаммасини ҳозирдаёқ қариб икки баравар қоплади.

Улкан энергетика иншоотти билан ёнма-ён Ширин шаҳри қад кўтарди. Замонавий биноларга бўлган кенг кўчалар, фонтанлар, мактаблар, болалар боғчалари, магазинлар, касалхоналар ва бошқа маданий-маиший объектлар шаҳар ҳуснига-ҳусн қўшиб турибди. Буларнинг ҳаммаси қозонлар, турбиналар, генераторлар ўрнатиш билан айни вақтда қурилди. Бу эса кадрларни муқим ишлаб қолишига эришиш, қурувчилар ва ишлатувчиларнинг барқарор коллективларини, бугунги кунда ўзларининг ажойиб муваффақиятини байрам қилаётган коллективни вужудга келтириш имконини берди.

Митингда сўзга чиққан «СирдарьяГРЭСстрой» бошлиғи С. С. Функ, бетончилар бригадири У. Исматуллаев, энергетика блокининг катта машинисти О. Ю. Богомазов, Ўзбекистон ССР энергетика ва электрлаштириш министри А. Ҳ. Ҳамидов, монтажчилар прораби А. Дейнеко баҳарилган ишларга юксак баҳо берганликлари учун, совет кишиларининг бахт-саодати тўғрисида, социалистик Ватан қудратини мустаҳкамлаш ҳақида тинимсиз ғамхўрлик қилаётганликлари учун партияга, совет ҳукуматига, Леонид Ильич Брежневга астойдил миннатдорчилик изҳор этдилар. Улар Сирдарё ГРЭСи қурилишининг қатнашчилари электр станциянинг қувватини тезроқ ўзлаштириш учун ҳамма ишларни қиладилар, партиянинг янги топшириқларини шараф билан бажарадилар, КПСС XXVI съезди тарихий қарорларини амалга ошириш ишига муносиб ҳисса қўшадилар, деб ишонтирдилар.

Митингда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Н. Г. Анисимкин нутқ сўзлади.

Йиғилиш аҳли КПСС Марказий Комитетига, Ўртоқ Л. И. Брежневга баланд руҳ билан табрикнома қабул қилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

АДАБИЁТ, САНЪАТ ВА АРХИТЕКТУРА СОҲАСИДАГИ ЖУДА МУҲИМ АСАРЛАР УЧУН ҲАМЗА (ҲАМЗА ҲАКИМЗОДА НИЁЗИЙ) НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети адабиёт, санъат ва архитектура соҳасидаги энг муҳим асарлар учун Ҳамза (Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий) номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотлари тўғрисидаги Низомни тасдиқладилар.

Янги Низомга мувофиқ, Ҳамза (Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий) номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотлари Ўзбекистон меҳнаткашларининг маданиятини юксалтириш ва уларни ғоявий жиҳатдан тарбиялашга ёрдам берадиган, жамоатчилик кенг тақдирлаган, мукофотга тақдим этилишидан олдин кейинги икки йил мобайнида босиб чиқарилган, ҳаммага кўрсатилган ёки ижро этилган, барпо қилинган ўзбек совет адабиёти, санъати ва архитектурасининг жуда муҳим асарлари учун берилади.

Мукофотга тақдим этиладиган адабиёт, санъат ва архитектура асарлари юксак профессионал маҳорат билан яратилиб туриши, кўп миллатли совет маданиятининг бой тажрибаси ҳамда анъаналарини ижодий тарзда ўзлаштириш ва янада ривожлантиришга асосланиши, ҳаётдаги энг муҳим проблемаларни чуқур акс эттириши, халқнинг иқтисодий ва социал ҳаётидаги бутун янги, илғор нарсаларни актив қўллаб-қувватлаши лозим. Бу асарлар гражданлик пафосга, тумуш ҳақиқатини эҳтирос билан тасдиқлаш, чуқур халқчиллик ва партиявийлик руҳи билан суғорилган бўлиши, муаллифларнинг аниқ ғоявий ва бадиий позицияларини, уларнинг жаҳонда ва совет жамиятида содир бўлаётган воқеаларга социал қарашларини таннум этиши. Коммунистик партия раҳбарлигида коммунизм қурилишида янги ғалабалар сари олга бораётган совет халқининг буюк қаҳрамонона жасоратини акс эттиришда социалистик реализм принципларига садоқатни мужассамлаштириши керак.

Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотлари комитетида кўриб чиқиш учун бадиий адабиёт, журналистика, публицистика, музика, кинематография, театр ва тасвирий санъатнинг жуда муҳим асарлари — романлар, повестлар, ҳикоя ва очерк тўпламлари, поэмалар, шеър тўпламлари ва туркумлари, пьесалар, киносценарийлар, адабиёт ва санъатнинг болалар ва ўсмирлар учун яратилган энг талантли асарлари, бадиий таржималар, адабиётшунослик, танқид, санъатшунослик соҳасидаги ишлар, кинокартиналар, театр постановкалари, суратқашлик асарлари, ҳайкаллар, графика асарлари, халқ амалий санъати асарлари, архитектура иншоотлари, монументал пропаганда асарлари қабул қилинади.

(Давоми иккинчи бетда).

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида

«Правда Востока», «Совет Узбекистони» ва «Ҳақиқати Узбекистон» газета редакцияларининг Узсовпроф билан биргаликда меҳмонхона хўжалиги ишларини текшириш юзасидан ўтказган рейди тўғрисида

«Правда Востока», «Совет Узбекистони», «Ҳақиқати Узбекистон» газеталари редакциялари Узсовпроф билан биргаликда республикадаги меҳмонхона хўжалиги ишларини текширишдан ўтказдилар. Текшириш натижалари «Меҳмон кўнгли нозик» сарлавҳаси остида юқорида эълон қилинди. Текширишда меҳмонхоналар ишидаги камчиликлар ва нуқсонлар очиб ташланди. Илғор тажриба ҳамда меҳмонхоналарда турган кишиларга хизмат кўрсатиш маданиятини янада яхшилаш учун мавжуд имкониятлар кўрсатиб берилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қарор қилди: юқорида кўрсатилган газеталарнинг редакциялари Узсовпроф билан биргаликда меҳмонхона ишларини текшириш юзасидан ўтказган рейдни ўз вақтида ўтказилган тўғри рейд деб ҳисоблансин. Ўзбекистон Компартияси область, шаҳар, район комитетларига «Правда Востока», «Совет Узбекистони», «Ҳақиқати Узбекистон» газеталарида «Меҳмон кўнгли нозик» сарлавҳаси остида эълон қилинган меҳмонхона хўжалиги ишларини текшириш юзасидан ўтказган рейди натижаларини муҳокама этиб, кўрсатиб ўтилган ва бошқа камчиликларни тугатиш чораларини кўриш, меҳмонхоналарда хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш учун хўжалик раҳбарларига ва халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроия комитетларига нисбатан талабчанликни ошириш, бу ишда меҳмонхоналар бошланғич партия ташкилотларининг ролини кучайтириш топширилди. Кадрларни танлаш ва тарбиялашга алоҳида эътибор берилсин.

Ўзбекистон ССР Коммунал хўжалиги министрлигига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область, шаҳар ва район ижроия комитетларига меҳмонхоналар ишини кескин равишда яхшилаш юзасидан бир ой муддат ичида махсус тадбирларни ишлаб чиқиш, меҳмонхоналарнинг ҳар бирида хизмат кўрсатишнинг юксак маданиятини, одоблик ва намунали тартиб ўрнатилишини таъминлаш топширилди. «Меҳмон кўнгли нозик» сарлавҳаси остида эълон қилинган рейд текшириш материаллари меҳмонхона ходимларининг умумий йиғилишларида муҳокама этилсин. Меҳмонхоналар етишмаётган инвентарь ва кўрпа-тўшаклар билан таъминланиши, бу ерда турадиган кишилар учун хизмат турлари кенгайтирилсин.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ўзбекистон ССР Коммунал хўжалиги министрлигига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область, шаҳар ва Тошкент шаҳар ижроия комитетларига меҳмонхоналарга мўлжалланган юмшоқ ва қаттиқ инвентарь сотиб олиш учун лимитлар ажратиш тадбирларини кўриб чиқсин.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОИ

ЎРТОҚ А. М. ХУДОЙБЕРГАНОВни ЎЗБЕКИСТОН ССР СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ МИНИСТРИ ҚИЛИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

Ўртоқ Абдулла Маткаримович Худойберганов Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш министри қилиб тайинлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси

И. УСМОНХУЖАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари

Г. ҲАЙДАРОВА.

1981 йил, 18 июнь.
Тошкент шаҳри.

АДАБИЁТ, САНЪАТ ВА АРХИТЕКТУРА СОҲАСИДАГИ ЖУДА МУҲИМ АСАРЛАР УЧУН ҲАМЗА (ҲАМЗА ҲАКИМЗОДА НИЁЗИЙ) НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Бошы биринчи бетда).

Санъат айрим вакилларининг ёки драма, музика, хореография коллективлари ва жамоатчилик томонидан кенг тақдирланган бошқа коллективларнинг концерт ижрочилик фаолияти Ҳамза номидаги мукофотни олиш учун тақдим этилиши мумкин. Бадиий таржималар учун Ҳамза номидаги мукофотлар адабий асарларни рус тилидан ўзбек тилига, шунингдек ўзбек тилидан рус тилига ғоявий ва бадиий жиҳатдан энг ёрқин, мукаммал таржима қилган адибларга берилади. Бадиий таржима соҳасида мукофотлар олиш учун номзодларни муҳокама қилиш вақтида одатда сўзма-сўз таржима босқичини четлаб, мазкур асарни бевосита оригиналдан қилинган таржималарга устунлик берилади.

Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти айни бир шахсга адабиёт, санъат, архитектура асарларини яратганлиги учун ёки концерт-ижрочилик фаолияти учун икки марта берилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон ССР Маданият, Олий ва ўрта махсус таълим, Маориф министрликлари, Ўзбекистон ССР Кинематография, Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси, Телевидение ва радиоэшиттириш, Ҳунар-техника таълими давлат комитетлари, Ёзувчилар, Композиторлар, Рассомлар, Кинематографиячилар, Журналистлар союзлари, Ўзбекистон Театр жамияти, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси, республикадаги илмий-тадқиқот институтлари, олий ўқув юртлари, республика газеталари ва журналларининг редколлегиялари, нашриётлар, жамоат ташкилотлари ва меҳнат коллективлари Ҳамза номидаги Давлат мукофотини олиш учун асарларни тақдим этадилар.

Асарлар эўр талабчанлик асосида, жамоатчилик улар билан дастлаб кенг танишиб чиққанидан кейин Ҳамза номидаги мукофотни олиш учун кўрсатилади.

Ижодий коллективларни Ҳамза номидаги мукофотни олиш учун кўрсатиш вақтида мазкур ишни бажаришда бевосита қатнашган ва асарнинг асосий ижодкорлари бўлган шахсларгина шу коллективлар составига киритилиши лозим. Бундай кишиларнинг фаолияти адабиёт, санъат, архитектура асарларининг юксак ғоявий-бадиий қиммати ва ижтимоий аҳамиятини белгилаб бериши ёки кишиларнинг спектаклда, кинофильмда ва шу сингариларда эришган ҳамда Ҳамза номидаги Давлат мукофотини олишга муносиб кўрилган ижодий муваффақиятлари бутун коллективнинг муваффақиятларига баҳо беришга боғлиқ қилиб қўйилмаслиги шарт.

Ҳамза номидаги мукофотларни олиш учун номзодлик мукофотлари комитети кўриб чиқадиган асарлар матбуотда, илмий кенгашларнинг мажлисларида, китобхонлар ва томошабинларнинг конференцияларида, Ёзувчилар, Композиторлар, Архитекторлар, Рассомлар, Кинематографиячилар, Журналистлар союзларида ва Театр жамиятида, меҳнаткашларнинг йиғилишларида кенг муҳокама қилиниши лозим. Муҳокамага доир ҳамма материаллар мукофот олишга тақдим этилган асарларга узил-кесил баҳо бериш вақтида танишиб чиқиш учун ўз вақтида мукофот берадиган комитетга юборилади.

Ҳамза номидаги республика мукофотларини олиш учун тақдим этилган адабиёт ва музика асарлари (бадиий адабиёт, журналистика, публицистика, танқид, адабиётшунослик, санъатшунослик ва шулар каби соҳалардаги асарлар) мукофотлаш комитетига тўрт нусхада юборилади. Улар босмахонада чоп этилган бўлиши шарт.

Музика асарлари босиб тайёрланган клавир, партитура шаклида ва магнитофон плёнкасига ёзилган шаклда тақдим этилади. Бундан ташқари программада музика асари учун унинг программаси, вокал учун — унинг тексти, опера ёки балет учун унинг либреттоси бир нусхада топширилади.

Тасвирий санъат асарлари Ҳамза номидаги мукофотни олишга тақдим этилган асарлар кўргазмасида кўрсатиш учун оригинал ҳолида тақдим этилади. Бундан ташқари, асарлардан ҳар бирининг фотосуратлари уч нусхада топширилади.

Рассомчилик асарлари бўйича (хусусан кўп фигурали композициялар бўйича) картиналар ёки нақшларнинг фотосуратларидан ташқари уларнинг фрагмент фотосуратлари, ҳайкалтарошлик асарлари бўйича турли шакларда ишланган фотосуратлар юборилади.

Театр-драма, опера ва хореография санъати соҳасидаги асарларни тақдим этиш вақтида, шунингдек концерт ижрочилик фаолияти учун спектакль ҳамда ижрочиларнинг фотосуратлари мукофотга тақдим этилган номзодлар тўғрисида тўлароқ тасаввурга эга бўлиш имконини берадиган миқдорда топширилади (фотосурат ҳажми оммавий сахналар ва умумий планлар учун камида 24x30 сантиметр бўлиши керак), пьеса ёки опера, ёҳуд балетнинг либреттоси, спектакль ёки концертнинг босма программаси юборилади.

Бундан ташқари, музикали спектакль ёки концерт-ижрочилик фаолияти тақдим этилган вақтда уларнинг магнитофон плёнкасидаги ёзуви топширилади.

Кинематография соҳасидаги асарлар тақдим этилган вақтда сценарий тексти ва кинокартиналардаги асосий изоҳловчи текстлар топширилади.

Рассомнинг спектакль ёки кинокартина соҳасидаги ишини тақдим этган вақтда юқорида айтиб ўтилган материаллардан ташқари декорация ва костюмларнинг оригиналларини топшириш шарт.

Тасвирий санъат ва театр-декоратив санъат асарларининг тақдим этилган оригиналлари эгаларига қайтарилади.

Архитектура иншоотларининг тасвири тўрт нусхада юборилиши лозим. Бунда бажарилган иш тўғрисида тўлароқ тасаввур берадиган миқдорда фотосуратлар бўлиши шарт.

Ҳамза номидаги мукофотлар комитети номига юборилган материалларда асарнинг номи, унинг тугалланган вақти, босиб чиқарилган вақти ва жойи албатта кўрсатилади. Тасвирий санъат асарлари ва унинг мукофотга тақдим этиш пайтида оригинал сақланган жой, архитектура ишлари учун уларни барпо этиш жойлари ҳам кўрсатилади. Ҳамза номидаги мукофотни олиш учун тақдим этиладиган ишга умумий баҳо берилади, тақдим этилган асар жамоатчилик ўртасида ҳақиқатан ҳам кенг кўламда тақдирланганлигини тасдиқловчи маълумотлар берилади, мукофотга тақдим этиладиган кишининг фамилияси, исми, отасининг исми, унинг адабий ёки саҳнавий тахаллуси кўрсатилади.

Ижодий коллективни мукофотга тақдим этиш вақтида номзодлар тўғрисидаги расмий хатга махсус справка илова қилинади. Бу справка тақдим этилган номзодлардан ҳар бирининг асарни яратишдаги иштирокини батафсил таърифлаб беради. Башарти коллектив иш бир ёки бир неча шахснинг раҳбарлигида бажарилган бўлса, ишнинг раҳбарлари албатта кўрсатилади.

Мукофотлар тўғрисидаги Низомда мукофот олишга тақдим этиладиган ишларни расмийлаштириш тартиби баён қилинган.

Ташкилотлар мукофот олишга тақдим этилган номзодларга доир ҳамма ҳужжатларни топширганларидан кейин жамоатчилик томонидан асарга берилган баҳони характерловчи материаллар пайдо бўлганида уларни ҳам қўшимча равишда юборишлари мумкин.

Ҳамза номидаги мукофотларни бериш тўғрисидаги ҳамма таклифлар қуйидаги адресга юборилади:

Тошкент шаҳри, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги адабиёт, санъат ва архитектура соҳасида Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотлари комитети.

Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қарорига асосан берилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотларини бериш тўғрисидаги қарори Ўзбекистон ССР ташкил этилган кун — 27 октябрда республика матбуотида эълон қилинади, радио ва телевидение орқали эшиттирилади.

Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотини олган кишиларга «Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати» унвони берилади ва Улуғ Октябрь социалистик революцияси байрами арафасида тантанали вазиятда лауреатларнинг дипломлари, фахрий нишонлари ва гувоҳномалари топширилади.

Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреатининг фахрий нишони кўкракнинг ўнг томонига, Ленин мукофоти ва СССР Давлат мукофоти лауреатлари фахрий нишонларидан кейин тақилади.

ЎҚУВ ЙИЛИ ЯКУНЛАРИГА ДОИР

Меҳнаткашларнинг снёсий ва иқтисодий таълими системасида ўқув йили ниҳоясига етди. «Партия — совет халқининг авангарди» мавзуидаги якунловчи машғулотлар тингловчиларнинг юксак активлигида ўтди. Ўтган ўқув йилида республикада партия ўқув системасида қариб 30 мингга яқин мактаб ва семинарда 871 минг тингловчи таълим олди, комсомол снёсий маорифининг салкам 20 минг семинари ва тўгараги ишлади, буларда йигит ва қизлардан 680 минг киши шуғулланди. Бундан ташқари 35,5 мингтадан ортиқ иқтисодий мактаб, семинар, малака ошириш курслари ишлаб, уларда бир миллиондан кўпроқ киши таълим олди.

Тугалланган ўқув йилида КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди материаллари ва қарорлари чуқур ўрганилди. Снёсий ва иқтисодий ўқишнинг асосий формаларидан ташқари съезд материалларини 7,6 мингта коммунистик меҳнат мактабида 232 минг киши, 2513 халқ университетида эса 300 мингдан знёд киши уюшқоқлик билан ўргандилар. Меҳнаткашлар съезд материалларига зўр қизиқиш билан қараётганларини ҳисобга олиб, 21680 та оммавий-снёсий мактаб ташкил қилинди ва буларда 610,5 минг тингловчи шуғулланди. Шундай қилиб, партия ва комсомол снёсий маорифининг барча формаларига ва ўқитишнинг бошқа оммавий формаларига қариб 4 миллион киши жалб этилган эди.

Халқ хўжалигни мутахассисларидан, раҳбар ходимлардан, олимлардан 90 мингдан кўпроқ киши фахрли пропагандистлик ишини адо этишди. Уларнинг 82 процента коммунистлардир.

1980-1981 ўқув йилининг якунлари шуни кўрсатдики, республика партия ташкилотлари КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев партия XXVI съездида қилган Ҳисобот докладидаги қоидалар ва хулосаларга ҳамда КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, снёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорига амал қилиб, меҳнаткашларнинг, айниқса, коммунистларнинг снёсий билимини такомиллаштиришга, пропагандист кадрларни танлаш ва тайёрлашга, марксча-ленинча ўқувнинг бориши ва мазмунини назорат қилишга кўпроқ эътибор бериб, унинг самарадорлигини чуқурроқ таҳлил қила бошладилар. КПСС Марказий Комитетининг «КПСС XXVI съезди қарорлари асосида партия ўқувини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги янги қарори партия ташкилотлари ва коммунистларнинг диққат-эътиборини худди ана шу мақсадларга қаратмоқда.

(ЎзТАГ).

МЕҲНАТ ЖАСОРАТИ

Қорақалпоғистон пахтакорлари табиат қийинчиликларини мардонавор енгмоқдалар.

Тўрткўл районидаги Димитров номли колхоз пахтазорларида ҳаёт қайнайди. Механизаторлар барча техника воситаларини пайкалларга киритиб, чуқур культивация ўтказишяпти, СУЗ агрегатлари ёрдамида ғўзалар озиқлантирилмоқда. Чопиқчилар бир парча ерни қолдирмасдан ғўзаларни бўгизига қадар юмшатяпти, бегона ўтларни бутунлай йўқотяпти. Райондаги «Коммунизм» колхози, «Ленинизм» совхози ва бошқа хўжаликларда ҳам вазият ҳисобга олиниб, ғўза парвариши даққалар сайин кучайтирилянти.

Беруний районидаги Беруний номли совхоз, «Победа» колхози, Элликқалъа районидаги «Москва» совхози, Калинин номли колхоз, Амударё районидаги М. Горький номли совхоз, Крупская номли колхоз далаларида ҳам меҳнат симфонияси тобора кучлироқ янграмоқда. Гап шундаки, аввал бўлиб ўтган ёғингарчиликлардан ташқари 5 июндан 6 июнга ўтар куни кечаси тинимсиз ёққан ёмғир, тушган дўл Автоном республика пахтакорларини жиддий ташвишга солди. Хўжайли районидаги «Тошкент» совхозидагина 1700 гектар майдондаги ғўзаларнинг катта қисмини қаттиқ жароҳатлади. Бошқа районларнинг колхоз ва совхозларида ҳам табиий офатлар юз берди.

Қорақалпоғистон область партия комитети халққа мурожаат қилиб, табиий офат оқибатларини зудлик билан бартараф этишга чақирди. Коммунистлар, активлар бошчилигида зарбдор бригадалар, отрядлар тузилди, барча ишчи кучлари, техника воситалари шу мақсад йўлига сафарбар этилди. Бугун ҳамма пахта даларида қаҳрамонлик намуналарини кўрсатиб меҳнат қиляпти, жароҳатни даволаш чораларини кўряпти.

Партия ва ҳукуматимиз автоном республиканинг барча хўжаликларига катта моддий-техника ёрдами кўрсатяпти, партия ва совет ташкилотлари меҳнат аҳлини уюшқоқлик билан ишлаш, онгли, интизомли бўлишга чақиряпти, коммунистларга нисбатан талабчанликни кучайтиряпти, мутахассисларнинг ташкилотчилик ролини ошириш чораларини кўряпти. Бундан руҳланган пахтакорлар бир ғайратга ўн ғайрат қўшиб далаларда жавлон урянти.

Кегайли районидаги Ж. Жуманазаров номли, Шуманай районидаги Киров номли, Хўжайли районидаги Ленин номли колхоз ва совхозларнинг пахтакорлари кунининг ҳар дақиқасидан, ички резервлардан оқилона фойдаланиб, ғўза парваришини кучайтиряпти. Пахтазорларга минерал ва органик ўғитлар ташиб чиқаришга қўшимча транспорт воситалари ажратилди. Юзлаб механизаторлар тонг саҳардан қош қорайгунча ғўза қатор ораларида культивация ўтказяптилар, эгат оляптилар, ҳашаротларга қарши химикатлар сепиш билан бир қаторда ҳар туп ғўзани ошириллган норма асосида озиқлатиряптилар.

— Табиат нечоғли нағма кўрсатмасин, — дейди Хўжайли район партия комитетининг биринчи секретари П. Холмуродов, — барча қийинчиликларни енгамиз. Бундай дейишимизга асос бор. Партия ташкилотларимиз жанговар, халқимиз меҳнатсевар. Табиий офат юз берганда ҳеч ким, ҳатто қариялар, болали аёллар ҳам вахимага тушмадилар, аксинча, белни маҳкам боғлаб, пахтакорларга ёрдамга отландилар. Коммунистларимиз энг оғир участкаларда туриб, қийинчиликларни енгишда жасорат кўрсатмоқдалар. Биз бундан кейин ҳам ваҳимага берилмаймиз, саросимага тушмаймиз. Съездлар йилида райониимиз бўйича она-Ватанга 50 минг тонна «оқ олтин» етказиб берамиз деганмиз. Ҳалол меҳнат билан бу маррани сўзсиз эгаллаймиз!

Автоном республиканинг Ленинобод, Нукус, Кегайли, Чимбой ва бошқа районларида ҳам шундай қийинчиликлар юз берди. Бу қийинчиликларни енгиш, ғўза парваришини кучайтиришда шаҳар саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотларининг коллективлари, олий ўқув юртларининг студентлари пахтакорларга дўстона ёрдам кўрсатмоқдалар.

Қорақалпоғистон Автоном республикасида етиштириладиган 405 минг тонна пахта учун кураш ҳамма ва ҳар бир кишининг шарафли бурчига айланди. Сафарбарлик давом этяпти.

Р. ЕШИМБЕТОВ.
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ЯРИМ ЙИЛЛИК ПЛАН АДО ЭТИЛДИ

ПАХТАЧИ РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕКРЕТАРИ З. НОРҚУЛОВА ХАБАР ҚИЛАДИ: районимиз чорвадорлари тайёрлов пунктларига 3.150 тоннадан знёд сут жўнатиб, ярим йиллик топшириқни муддатидан илгари бажардилар. Ялпи сут миқдори ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 103 тонна кўпайтирилди. Шунингдек, тухум тайёрлаш ярим йиллик плани 200 процент қилиб адо этилди, тухум 162 минг дона оширилди.

Эришилган дастлабки ғалабада «Самарқанд», «Коммунизм», Охунбобоев номли, Киров номли ва бошқа колхозларнинг ҳиссаси катта бўлди. Эртаниндан ярим йиллик гўшт топшириш топшириғи ҳам ортиғи билан ўрилянади.

Районимизнинг барча хўжаликларида чорва моллар озуқа базасини мустаҳкамлаш мақсадида хашак ўрими тезкорлик билан давом эттирилмоқда, маккажўхори парваришн кучайтирилмоқда.

КОНЦЕРТ ДЎСТЛИККА БАҒИШЛАНДИ

Ҳозир Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турган афғон артистлари ўз концертини Совет Иттифоқи билан Афғонистон халқлари ўртасидаги дўстликни таранним этувчи қўшиқ билан бошладилар. Қўшиқ муаллифлари — шоир Носир Тухури билан композитор Ҳошим Муҳаммад. Улар кўпгина халқчил қўшиқлар яратдилар, Апрель революцияси жангчилари орасида бўлдилар. Улар яратган, революцияни шарафловчи қўшиқларни ҳам халқ ўз қўшиқлари деб атади.

Афғон артистлари ҳозирги сафари учун тайёрлаган концерт программасига замонавий ва қадимий халқ куйлари киритилган. Артистлар труппасининг раҳбари Соқий Фитрат Тошкентдаги «Бахор» концерт залида концертни оча туриб, бундай деди: «Биз бу концертни дўстликка, тинчликка, ўзбекистонликлар меҳнатига бағишлаймиз. Афғон халқини тарихий дўстлик ришталари Ўзбекистон билан боғлаган».

Турли ёшдаги тажрибали йигирма беш нафар артист ўз ватани санъатини Ўзбекистонда намойиш этмоқда. Қадимий миллий асбоблар созандаси Наби Ғулом яқинда олтмиш ёшга тўлди, эстрада ансамблининг солисти Сима Тарана эса яқинда йигирма ёшга тўлади. Композитор. афғон музика фольклорини тўпловчи машҳур Салим Сармаст 150 дан кўпроқ халқ қўшиғини қайта ишлаб, уларга иккинчи ҳаёт бағишлади. Кобул университетининг студенти Ҳамид Армаи ана шу қўшиқларнинг кўпини ижро этмоқда. Хонанда ва композитор, афғон, ҳинд ва ўзбек музикасидан яхши хабардор Ҳафиз Хиёлнинг номи Ўзбекистонда ҳам машҳур: у республикамизда бир неча бор бўлиб, санъат усталаримиз билан бирга тез-тез ўз маҳоратини намойиш қилган эди. Бугун эса у билан бирга концертда бадиий ҳаваскорлик қатнашчилари бўлган студентлар ҳам қўшиқ айтмоқдалар. Уларнинг кўплари адиб, инженер, математик бўлишга тайёрғарлик кўрмоқдалар, лекин уларнинг ҳаммаси санъатни — жонажон диёрни шарафловчи халқ қўшиқларини ғоят севишади, улар бу қўшиқларни ғоят самимий ва жозибали ижро этадилар. Музика ва шеърлар муаллифи Сайфутдин Мир ижро этаётган Тошкент ҳақидаги қўшиқ афғон артистларининг концертига ҳозир бўлган кишилар учун ўзига хос дўстлик рамзи бўлди.

Афғон артистлари Фарғона, Самарқанд ва Бухорода ҳам концерт берадилар.

(ЎзТАГ).

«ҲУРМАТ ТАХТАСИ»

Пилла тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарган қуйидаги район республика «Ҳурмат тахтаси»га ёзилади:

Бўстонлиқ райони (район партия комитетининг секретари Ю. А. Хайдуров, район ижроия комитетининг раиси А. А. Ойдарқулов, район комсомол комитетининг секретари Т. В. Оқилов, бош пилла қуритиш корхонасининг директори Э. Ҳакимов).

МУБОРАК ГАЗ КОМПЛЕКСИ ҚУРИЛИШИ МУХБИРЛАР ПУНКТИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ», «ПРАВДА ВОСТОКА» ВА ЎЗТАГ МУХБИРЛАР ПУНКТИНИНГ ЎН ИККИНЧИ АХБОРОТИ

ҚУРИЛИШДАГИ ОДАМЛАРГА — ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК

Муборак газ комплекси. Унинг объектлари бепоён дашт ва чўлларда сочилиб ётгани, бу ерда халқ хўжалигининг жуда катта вазифаси — республикани энергетика ва химия хом ашёси билан таъминлаш вазифаси ҳал этилаётгани учунгина эмас, шу билан бирга бу қурилиш суръатлар жиҳатидан, зарбдор маром жиҳатидан планларнинг аниқ бажарилиши жиҳатидан ҳам алоҳида қурилишдир. Минглаб инженерлар, техниклар, ишчилар куч-ғайратни аямай қаҳрамонона меҳнат қилмоқдалар. Улар кўпдан-кўп қийинчиликларни бартараф этиб, Ватанга берган сўзнинг устидан чиқиш намунасини кўрсатмоқдалар.

Модомики шундай экан, бу қурилишдаги одамлар муносиб эътибор ва ғамхўрлик билан қуршаб олинишлари керак.

УМУМАН ВА ХУСУСАН

Савдо-сотиқ ходимлари кўп иш қилдилар. Масалан, «Союзузбекгазпром»нинг ишчи таъминоти бошқармаси Муборакда озиқ-овқат маҳсулотлари сотишни бир йилнинг ўзида 38 процент кўпайтирди. Завод ҳузуридаги ошхона ва магазин, шаҳардаги кафе ва озиқ-овқат дўкони, Зеварда — Денгизкўл конларидаги ошхона ва магазинлар мунтазам ишлаб турибди. Бу йил планга муваффақ Муборак меҳнатчиларига мана шу ишчи таъминоти бошқармасида 3,5 миллион сўмлик турли моллар сотилади.

Умуман аҳвол мана шундай — товар оборoти тез ўсиб, умумий овқатланиш корхоналаридаги ўринлар кўпайиб бормоқда. Хўш, хусусан-чи? Молларнинг сифати, турлари ва истиқбол жиҳатидан-чи?

БИР ШИША СУВ — «МУАММО»СИ

Бухоро — Урал газ қувури қурувчилари ҳувиллаб ётган Уст-Юрт ясси тоғлигидан қувур олиб ўтганларида савдо ходимлари «Ан-2» самолётларига Тошкент минерал суви, барра пиёз, қатиқ жойлаб юборишар эди. Дам олиш кунлари ҳатто музлек пиво бочкалари ҳам ортиларди. Шу самолётлар бутун линия бўйлаб учиб борар, вагонлар қўйилган ҳар бир шаҳарчада қўниб ўтар эди...

Муборак—ҳар ҳолда Уст-Юрт бўлмаса ҳам, бир шиша сувни бу ерда кундуз куни чироқ ёқиб ҳам қидириб топиб бўлмайди. «Ҳа, бизга минерал сув учун қўшимча фондлар ажратилган,— дейди «Союзузбекгазпром» ишчи таъминоти бошқармасининг бошлиғи С. Маҳкамов. Аммо уни Тошкент заводидан олиш керак. Уни Муборакка ташиб келтириш қимматга тушади, чунки бир шиша сувнинг нархи — 5 тийин...»

Бунн тўғри мулоҳаза, деб бўлмайди! Модомики қурилишдаги одамларга минерал сув керак экан, демак, чиқим билан ҳисоблашмай етказиб бериш керак. Чиқимларнинг ўрни тўлиб кетади: тежаб қолинган куч, яхши кайфият, ўсиб бораётган меҳнат унумдорлиги билан ўрни тўлиб кетади.

Газчилар бир сотувчини яхши сўз билан эслаб юришади. У одамларга нимаики керак бўлса, ҳаммасини муҳайё қилишга интилар, бунинг учун на вақтини, на меҳнатини аяр эди.

Аммо ишчи таъминоти бошқармаси системасида бошқа қабилдаги кишилар ҳам бор. Ўшаларнинг уқувсизлиги орқасида ғалати ҳолат рўй бермоқда: Қаршида янги карам ҳам, пиёз ҳам, бодринг ҳам сотилмоқда-ю, аммо ундан атиги 80 километр наридаги Муборакда бу нарсалар йўқ. Аввки ёз палласи бошланишига қарамай, завод ошхонасида лоақал карамдан бўлса ҳам янги салатлари тайёрланмайди.

Нощудлик, бепарволиқдан бошқа ном билан буни изоҳлаб бўлмайди.

НИМА БИЛАН САВДО ҚИЛИНМОҚДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Муборак газ комплексини қураётган коллективларнинг социалистик мажбуриятлари тўғрисидаги қарорида: «Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги комплекс ходимларини озиқ-овқат ва саноат моллари билан таъминлашни яхшилаш чораларини кўрсинлар» деган банд бор. Очиғини айтганда, ҳозирча кўрилган чоралар етарли эмас.

Энг катта камчилик шуки, савдо қилиш учун керакли моллар тўла-тўкис ажратиб берилмаяпти. Масалан, ҳозирги вақтда «Союзузбекгазпром» ишчи таъминоти бошқармаси ўз планини бажариш учун тахминан 400 минг сўмлик молни кам олди. Бошқа савдо ташкилотларида ҳам аҳвол бундан яхши эмас. Ҳолбуки, Марказий Комитет қарорида айтилганидек, беш йилликнинг зарбдор қурилиши бўлган Муборакда меҳнаткашларга хизмат қилиш учун алоҳида чоралар кўриш керак эди. Ҳеч бўлмаганда фондлардан ажратиш кўзда тутилган моллар тўла-тўкис берилиши лозим эди.

Маҳаллий ташкилотлар республика Савдо министрлигини ажратилган озиқ-овқат моллари ва ноозиқ-овқат моллари ҳисобига ҳам ишлаш, ишлаб чиқариш базаси ва ишчи кучл

Улуғ Ватан уруши бошланган куннинг 40 йиллиги олдидан

БУЮК ҚАҲРАМОНЛИК

Биринчи ва иккинчи жаҳон уруши ўртасидаги даврда империалистик давлатлар ўртасидаги қарама-қаршиликлар янада кучайиб, халқаро аҳвол жиддийлашди. Империалистик реакция инсониятни янги жаҳон урушига бошламоқда эди. Бунинг устига капиталистик мамлакатларнинг бир-бирига қарама-қарши турган группалари босқинчилик ўй-режаларини биринчи навбатда Совет Иттифоқига қаратмоқда эдилар. Монополистик буржуазия Германия фашизмини СССРга қарши, ишчилар ва коммунистик ҳаракатга қарши курашдаги зарбдор отряд деб ҳисобларди. Шунинг учун ҳам капиталистик давлатлар фашистлар Германиясининг босқинчилик сиёсатига мададкорлик қилдилар. Бунинг оқибатида 1941 йил ёзига келиб, Гитлер 142 миллион аҳолиси бўлган 11 та Европа давлатини босиб олган ва олтита давлатдан иборат каолиция тузган эди.

1941 йил 22 июнда фашистлар Германияси ўз гумашталари билан биргаликда уруш эълон қилмай туриб СССРга ҳужум бошлади. Чунки, Совет Иттифоқи фашистларнинг жаҳонда ҳукмронликни қўлга киритиш режаларини амалга ошириш йўлидаги асосий ғов эди.

4 мингдан зиёд танк, 5 мингта яқин самолёт, 48 мингга яқин тўп ва миномёт билан қуролланган умумий сони 5,5 миллион кишидан иборат 190 дивизия мамлакатимиз территориясига бостириб кирди.

Ватан учун катта хавф туғилган шундай пайтда Коммунистик партия совет халқининг фашистлар Германиясига қарши курашининг илҳомчиси ва ташкилотчиси бўлиб майдонга чиқди. Партиямиз ғоят мураккаб шароитда, социализмнинг афзалликларидан фойдаланиб, бепоён Ватанимизнинг кучқудратини сафарбар этиб совет халқини фашистлар Германиясининг улкан ҳарбий машинасини тор-мор этишга сафарбар қилди ва ғолиб ўлкага айлантирди.

Урушнинг дастлабки кунларидаёқ совет жангчилари душманга шундай қаттиқ қаршилик кўрсатдиларки, фашистлар бундай қаршиликка ҳеч қачон дуч келмаган эдилар. Чегарачилар ва афсонавий Брест қалъаси ҳимоячилари бир қадам ҳам чекинмадилар. Луцк, Брода, Ровно остоналарида совет танкчилари мардона жанг қилдилар. Могилев, Минск, Смоленск остоналаридаги жангларда совет кишиларининг матонати таҳсинга лойиқдир. Одесса, Киев, Новороссийск, Ленинград, Севастополь мудофаси тарихга абадий ёзилди.

Мудофаа жанглари давомида немис-фашист қўшинларининг сараланган кучлари янчиб ташланди.

1941 йил кузида фашистлар Москва йўналишига йирик ҳарбий группировкани ташладилар. Совет — Герман фронтида ҳаракат қилаётган қўшинларнинг 42 процента, тўп ва миномётларнинг учдан бир қисми, танкларнинг тўртдан бир қисми ва самолётларнинг ярмига яқини ана шу йўналишга ташланди. Гитлерчилар мамлакатимизнинг юрагига зарба бериб, «Яшин тезлигидаги уруш»ни ғалаба билан якунлашни мўлжаллаган эдилар.

Бироқ, босқинчиларнинг режалари амалга ошмади. Шиддатли жанглар натижасида душман тор-мор келтирилиб пойтахтимиздан 100—250 километр нарига улоқтириб ташланди. Совет қўшинларининг Москва остоналарида бошлаган қарши ҳужуми давомида гитлерчиларнинг 11 та танк, тўртта моторлаштирилган ва 23 та пиёдалар дивизияси янчиб ташланди.

Волга билан Дон ўртасида мислсиз жанглар 200 кун давом этди. Бутун инсоният бу жангларнинг оқибатини кузатиб борди. Гитлер қўмондонлиги нима бўлса ҳам Сталинградни эгаллашга интилиб, одамларни ҳам, техникани ҳам аямади. Лекин шаҳар ҳимоячилари мардона турдилар. Совет қўшинлари душманнинг шиддатли ҳужумига бардош бериб ғолиб келмай, балки ўзлари ҳам ҳужумга ўтдилар, душманнинг 330 минг кишилик сараланган группировкасини қуршаб олиб тор-мор келтирдилар.

Шундан кейин немис-фашист қўшинларига Курск ёйида яна бир катта зарба берилди. Бу ерда гитлерчиларнинг 30 дивизияси тор-мор келтирилди, душман ярим миллиондан ортиқ солдатидан маҳрум бўлди.

Бу мағлубият гитлерчилар Германиясини ларзага келтирди ва у урушнинг охиригача ўзини ўнглай олмади. Совет Армияси бутун Совет — Герман фронтида кенг ҳужум операциялари ўтказиб фашист қўшинларини Ватанимиз тупроғидан ҳайдаб чиқариш ва Европа халқларини гитлерчилар зулмидан озод қилишга киришди.

АҚШ ва Англиянинг ҳукмрон доиралари Совет қўшинлари фашистларни бутунлай тор-мор қиладиган кун яқинлашаётганлигига ишонч ҳосил қилиб, 1944 йил ёзидагина иккинчи фронтни очдилар. Шундан кейин ҳам урушнинг асосий воқеалари Совет — Герман фронтида юз берди.

Совет Қуролли Кучларининг 1945 йилда Шарқий Пруссияда, Ғарбий Польшада, Чехословакияда душманга берган зарбаси ва мислсиз Берлин операцияси Герман фашизмини бутунлай янчиб ташлади. 1945 йил 8 майда гитлерчилар Германияси сўзсиз таслим бўлиш актига қўл қўйди.

Бутун уруш давомида фашистлар каолициясининг асосий кучлари — 607 дивизия, авиациянинг тўртдан уч қисми, танк ва артиллериянинг кўп қисми Совет-Германия фронтида бўлди. Бу фактлар фашизмни тор-мор этишда Совет Иттифоқи ва унинг Қуролли Кучлари ролини камситиб кўрсатишга уринаётган буржуазия тарихчиларининг ўйдирмаларини бутунлай фош қилади. Бу улуғ жангда Совет Иттифоқи талофати ҳам унинг фашизмга қарши курашда ҳал қилувчи роль ўйнаганлигини яққол кўрсатиб турибди.

Улуғ Ватан уруши якунлари социализмнинг енгилмаслигини, Коммунистик партия атрофига жипслашган халқимизнинг метиндек мустаҳкамлигини намойиш қилди. Бизнинг ғалабамиз СССРга қарши ҳарбий авантюра бошлашни ўйлаётганларга жиддий сабоқ ва даҳшатли огоҳлантиришдир.

Сўнгги вақтда жаҳондаги вазият энг аввало Америка Қўшма Штатларининг айби билан ғоят кескинлашди. АҚШ ва унинг шериклари миллиард-миллиард маблағ талаб қиладиган стратегик қурол-яроғларни янада кўпайтириш программасини амалга ошира бошладилар. Булар қитъаларарО баллистик ракетаси, «Трайдент» сув ости кемалари ва улар учун баллистик ракеталар, узоқ масофаларга етиб борувчи қанотли ракеталар, янги оғир бомбардимончи самолётлардир.

Социалистик мамлакатлар қурол-яроғларининг янги системаларини яратиш программасини бир четга суриб қўйиш, қуролсизланиш тўғрисида музокаралар олиб бориш ҳақида кўп марта ташаббус билан чиқдилар. Бироқ социалистик давлатларнинг таклифлари АҚШ ва бошқа НАТО мамлакатлари томонидан қувватланмаётир.

АҚШ ва НАТО мамлакатларининг реакцион доиралари социалистик мамлакатлар билан Ғарб мамлакатлари ҳарбий кучларининг тенглигини ўз фойдаларига ўзгартириб Варшава Шартномаси мамлакатларига нисбатан ҳарбий устунликка эришиб, сўнг уларга ўз шартларини мажбуран қабул қилдирмоқчи бўлмоқдалар. Ғарбий Европада деярли 600 та ўртача масофага учувчи янги Америка ядро ракеталарини жойлаштириш тўғрисидаги қарор ҳам худди шу мақсадга хизмат қилади. Амалда гап Европада ҳарбий кучлар балансини сифат ва миқдор жиҳатидан умуман АҚШ ва НАТО фойдасига ўзгартириш тўғрисида бормоқда.

Ана шундай шароитда партиямиз Совет давлатининг мудофаа қудратини мустаҳкамлаш учун ҳамма чораларини кўрмоқда. КПСС XXVI съезди мамлакатимизнинг мустаҳкам ва ишончли мудофаасини таъминлаш йўлининг ўзгармаслигини ва изчиллигини, совет халқи ва унинг Қуролли Кучлари ҳар қандай агрессорга қақшатқич зарба беришга ҳамиша тайёр эканлигини намойиш қилди.

Ф. НОРХЎЖАЕВ,
истеъфодаги артиллерия генерал-лейтенанти.

Димитрий Степанович Ковешников Улуғ Ватан урушн йилларида она-Ватан мустақиллиги йўлида, халқлар бахт-саодати йўлида мардонавор жанг қилган фидоиларидан. У Кичик ернинг ҳандақларида бошн узра ўқлар визиллаб учиб турганда душман билан олишаётган пайтида қачонлардир набирали бўлишини, уни эркалаб гулгун чеҳраснга боқиш бахтига муяссар бўлишини хаёлига ҳам келтирмаган эди. Суратда: Д. С. Ковешников набираси Ольга билан.
В. Христофоров ва Б. Кавашкин фотоси (ТАСС фотохроникаси).

ДОЛЗАРБ ДАМЛАР

Хўжаобод район партия комитетининг биринчи секретари Низомжон Қодиров биз билан суҳбатда «Коммуна» совхозини тилга олди:

— Бу совхоз 1980 йилнинг бошида қолоқ колхозлар базасида ташкил этилган эди. Район партия комитети аҳволни чуқур ўрганиб, аввалдан тадбиркорлиги, принципиаллиги, ташкилотчилиги билан обрў қозонган раис Холмамат Жўраевни шу совхозга директор қилиб тайинлади. Директор бир йилдаёқ қобилиятини кўрсатди. Совхоз ҳар гектар ердан 38,3 центнердан хирмон кўтарди. Даромад 700 минг сўмга кўпайди. Энг характерлиси, хўжалик ҳисобидаги қарзлар узилиб, совхоз омбори дон-дунга тўлди, деҳқонларнинг турмуши яхшиланди. Холмамат Жўраев Ленин ордени билан мукофотланди...

Бу йил ҳам совхозда деҳқончилик кўнгилдагидек бошланган эди. Хўжаликнинг 2850 гектар майдонига чигит юксак агротехника қоидалари асосида тез ва соз экиб бўлинганди.

Бироқ, чигит униб чиқишга улгурмай туриб, табиат иш кўрсатди. Емғир, дўл ёғди, 3 апрелда эса совхоз далаларини қор босди. Чигит чириб қолди.

Иккинчи мавсум бошланди. Кўп майдонларга қайтадан чигит экилди. Бу гал чигит кўп куттирмади. Ҳамма жойда ниҳоллар ипга тизилгандек саф тортди. Шундан кейин ҳаво бир кун очилиб, бир кун қовғини солиб турди. Емғирли кунлар ҳам кўп бўлди. Ғўзаларни ўт босиб кетди. Совхоз маъмурияти бу офатни енгиш учун халққа қарата мурожаатнома қабул қилди. Унда шундай сатрлар бор эди.

«Ҳурматли ўртоқ!

Табиат деҳқонни шошириб қўйди. Ғўзани ўнглаб олиш учун сизнинг ёрдамингиз керак. Совхоз маъмурияти, партия ташкилоти сизни, сиз орқали бутун оилангиз аъзоларини кўмакка чақиради! Ўзингиз яшаб турган бригада даласига чиқиб, 2 гектар ердаги ғўзани ягана, ўтоқ, чопиқ қилиб беришингизни қаттиқ илтимос қиламиз...»

Мурожаатнома уйма-уй юриб тарқатилди. Радиоузел орқали такрор-такрор ўқиб эшиттирилди. Бутун қишлоқ оёққа турди. Ҳар туп ғўза инсон меҳридан баҳра олди, яшил қанот ёзди, илк шоналар кўринди.

Биз табиат инжиқликларини мардона енгаётган меҳнат қаҳрамонлари билан учрашиш истагида совхоз бўйлаб йўлга тушдик. Пахтазорда Инобатхон Абдуллаева билан ҳамсуҳбат бўлдик. У бир неча йил колхозга раислик қилган. Ҳозир бўлим бошқарувчиси. Ишчан, тадбиркор деҳқон. Кўп сўзламайди. Кўпроқ ишлайди. Қадрдон даласини жон-дилдан севади. Шу дала унга шуҳрат, обрў, бахт келтирган. У бошқараётган бўлим 630 гектар майдонга чигит эккан. Мўлжали — 40 центнер. Шуни қувонч билан айтиш мумкинки, ҳамма майдонда ғўзалар текис ва баравж.

2-бўлим бошқарувчиси Янгивой Қорғдиев биз билан суҳбатда дилидаги гапларни айтди:

— Катта мақсад йўлида ҳормай-толмай ишлаяпмиз. Ҳар туп ғўзада 10-12 тадан бўлиқ кўсак етиштириш, совхознинг улкан хирмонига 45 центнерлик маррани эгаллаш билан ҳисса қўшишга аҳд қилганмиз. Ҳосил мўл бўлиши ва эрта етилиши учун ғўзани сифатли парвариш қилиш, ҳар туп ғўза тубига манглай терини обиҳаётдек сингдириш, культивация, озиқлантириш ва суғориш ишларини белгиланган муддатларда кўнгилдагидек қилиб амалга ошириш зарур.

Лекин бу иш осон кўчмаяпти. Ғўза парвариши табиатнинг инжиқликлари билан кураш жараёнида ўтмоқда. Тез-тез шамол бўлиб, ёмғир ёғди. Бу катта қийинчиликларни юзага келтирмоқда. Совхозимиз бўйича 2000 гектардан ортиқроқ ерда кучли қатқалоқ бўлди. Деҳқонларимиз саросимага тушмасдан, қийинчиликларни ўзларининг ҳалол меҳнатлари билан бартараф этдилар.

Совхознинг ҳар гектар ердан 45 центнердан ҳосил етиштириш учун курашаётган Сотволди Бозоров раҳбарлик қилаётган бўлимида ғўза ёппасига шоналай бошлади. Андижон область Совети депутати Бумайрам Бўтаева, республикада хизмат кўрсатган пахтакор Абдужалил Алиев, Эргашвой Латипов, Ғозижон Азимов, Робияхон Файзуллаева бошлиқ бригадаларда ҳам шундай шиддаткор дақиқалар, жасоратга тўлиқ онлар кечяпти.

Бўлим бошқарувчилари, бригада бошлиқлари билан давра қурсангиз, бир беш йилликда икки беш йиллик планни бажариш ташаббуси билан чиққан механизаторзвено бошлиғи Аҳмадали Асқаровнинг юрак сўзларини тингласангиз, бу йилги мавсумда 300 тонна пахта теришга сўз берган ташаббускор механизатор Эргашвой Қорғдиев билан бир дақиқа диллашсангиз, бутун совхоз меҳнат аҳли табиатга қасдма-қасдига ҳеч иккиланмай ишлаётганини ҳис этасиз.

Ғўза қатор ораларига ишлов бериш оби-тобида ўтказиляпти. Бугун етилган ерга бугун культивация юргизилмоқда. Совхоз далаларида 80 та чопиқ тракторн юксак унум билан ишлаб турибди. Тупроқни ҳар доим юмшоқ ва майин тутишга ҳаракат қилиняпти.

Совхоз маъмурияти ва партия ташкилоти далада ишлаётганларнинг унумли меҳнат қилишлари ва кўнгилли дам олишлари учун қулай шароитлар яратиб қўйган. 40 та дала шийпонининг ҳаммаси яхши жиҳозланган.

Қаерга борманг, ким билан гаплашманг: ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилида совхозимиз 40 центнерлик маррани эгаллайди, ялпи ҳосилнинг 85 процентини машинада териб олади, дейди. Демак, коммуналикларнинг аҳди қатъий. Бу йил она-Ватан улардан ваъда қилинган пахтани, албатта, олади. Даладаги меҳнат кўтаринкилиги, оммавий сафарбарлик шундан далолат бериб турибди.

А. НАБИХЎЖАЕВ,
«Совет Ўзбекистони»нинг жамоатчи мухбири.
А. ҚУРОНБОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ПЛАНЕТАНИНГ БИР КУНИ

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

ВЕНГРИЯ:
БИНОКОРЛАР БАЙРАМИ

Венгрия бинокорларининг кўпминг кишилик отряди ўз байрамини нишонлади.

Халқ ҳокимияти йиллари мобайнида уларнинг қўли билан юзлаб саноат объектлари барпо этилди. Замонавий кўп қаватли бинолардан иборат бутун-бутун микрорайонлар мамлакат шаҳарларини безаб турибди.

Республика бинокорлари шу кунларда халқ хўжалигини ривожлантиришнинг ҳозирги беш йиллик планида белгиланган масъулиятли топшириқларни бажаришга ўз кучғайратларини сарфлямоқдалар. Улар 1981—1985 йилларда қурилиш-монтаж ишлари ҳажмини 11 процентдан зиёд кўпайтиришлари керак.

ЧЕХОСЛОВАКИЯ:
«ТАТРА» КЕНГАЙТИРИЛМОҚДА

Шаҳар яқинидаги Зличин деган жойда Прагаанинг машҳур трамвай заводи «ЧКД-Татра» филиалидан иборат янги ишлаб чиқариш комплексини қуриш бошланди.

Бу ерда 50 гектардан зиёд майдонда энг такомиллашган асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бир қанча замонавий ишлаб чиқариш корпусларини қуриш 1988 йилга бориб нихоясига етказилади. Шу ишлаб чиқариш комплексларида ҳар йили 1700 та трамвай вагонлари, улар учун запас қисмлар тайёрланади. Бу эса «Татра»да ҳозирги вақтда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмини икки баравар кўпайтиришга имкон беради.

(ТАСС).

ДУШМАНЛИК СИЁСАТИ

ДЕҲЛИ, 18 июнь. (ТАСС). Хитой зўр бериб Ҳиндистонга душманлик сиёсатини ўтказмоқда. «Амрита базар патрика» газетасининг ёзишича, кейинги вақтларда Ҳиндистоннинг шимоли-шарқида Манипур ва Трипур штатларида, шунингдек Мизорам иттифоқ территориясида пекинпараст сепаратчилар тез-тез ирғоғарлик ҳаракатлари қилаётганликлари шундан далолат беради.

Пекин сепаратчи гуруҳларни қўллаб-қувватламоқда, уларни қурол-ярог, ўқ-дори ва портловчи моддалар билан таъминламоқда. Хитой раҳбарларининг бу сиёсати Ҳиндистоннинг шимоли-шарқида кўғирчоқ давлат вужудга келтириб, кейинчалик уни Хитойнинг региондаги босқинчилик сиёсатининг олдинги марасига айлантиришга қаратилган. Шу мақсадда, деб ёзади газета, Хитой раҳбарлари Ҳиндистонга қўшни бўлган давлатларда Ҳиндистонга қарши кампанияни авж олдиришга уринмоқдалар, бу давлатларда Пекиннинг пулига тузилаётган ўта сўл ва миллатчи гуруҳлар ҳинд халқига ва мамлакатнинг тинчликсевар сиёсатига душманлик ҳаракатларини авж олдирмоқдалар.

Шу муносабат билан Ҳиндистоннинг «Пресс эйша интернэшнл» ахборот агентлиги ҳақиқий ёзишича, Пекинда «хитой йўлаги» деб аталган йўл орқали Бенгал кўрфазига чиқиб олиш режаси аллақачон тузиб қўйилган, бу йўлак Пекин стратегларининг хаританларида Тибетдан Бутан ва Ҳиндистон территорияси орқали ўтказилган. Пекин Ҳиндистонга нисбатан «тинчликсеварлик» сиёсати ўтказмоқчи эканига ишонтиришга уринмоқда, аммо Хитой раҳбарларининг бундай гаплари уларнинг ҳақиқий мақсадларини яширадиган ниқоб бўлибгина хизмат қилади, деб таъкидлайди агентлик. Бу мақсадларнинг моҳияти Хитойнинг ҳарбий таъсир доирасини кенгайтиришдан ва Ҳиндистоннинг Хитой босиб олган Химолай территорияларида қуриб қўйилган ҳарбий базалар қабилидаги янги таянч нуқталарини вужудга келтиришдан иборат.

ПЕКИНДАГИ МУЗОКАРАЛАР

ВАШИНГТОН. 17 июнь. (ТАСС). Пекинда АҚШ давлат секретари А. Хейгнинг Хитой раҳбарлари билан музокаралари тугади. У ХХР ташқи ишлар министри Хуан Хуа билангина эмас, Дэн Сяопин, Чжао Цзиян, ХХР мудофаа министри Гэн Бяо ва бошқалар билан ҳам учрашди. Музокаларнинг якунлари юзасидан ҳеч қандай ҳужжат эълон қилинмади. Океан нариёғидан келган меҳмоннинг ва мезбонларнинг ошкора нутқларига қараганда, халқаро масалалар ва икки томонлама муносабат масалалари муҳокама қилинди.

ПЕКИН, 17 июнь. (ТАСС). Бу ерда турган Руминия ташқи ишлар министри Ш. Андрей Хитой ташқи ишлар министри Хуан Хуа билан музокаралар ўтказди. Синьхуа агентлигининг хабар қилишича, ХХР ташқи ишлар министрлиги вакили музокаралар «сидқидиллик ва самимий муҳитда»да ўтди, деб айтган.

ХАТАРЛИ ЙЎЛ

ВАШИНГТОН, 17 июнь. (ТАСС). АҚШ президенти Р. Рейган матбуот конференциясида сўзлаган нутқ Оқ уйдан бутун мамлакатга эшитирилди. Унинг ташқи сиёсат масалалари юзасидан айтган гаплари Вашингтон маъмуриятининг бундан буён ҳам халқаро кескинликни кучайтиришга қаратилган хатарли йўлдан бораверишг ниятида эканлигини яна бир карра тасдиқлайди.

Президент АҚШнинг ҳарбий тайёргарликка зўр бериш сиёсатини никоблаб, гўё «тинчликни таъминлаш» маъмуриятимнинг «энг улуғ мақсади» деб даъво қилди. Бироқ, у ўзи бошчилик қилаётган маъмурият ўз мақсадларига кескинликни юмшатиш, ўзаро манфаатли халқаро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликни йўлга қўйиш воситаси билан эмас, балки ядровий террорни кучайтириш, АҚШнинг ҳарбий қудратини машъум Америка «манфаатларини ҳимоя қилиш» йўлида бошқа мамлакатлар ва халқларга пўписа ишлатиш воситаси деб билиб, уни янада кўпайтириш йўли билан эришиш ниятида эканини шу заҳотиёқ шама қилиб ўтди. «Биз бу мақсадга етарли равишда қудрат орттириш йўли билангина эриша оламиз, деб ҳисоблайман», — деб таъкидлади у.

Бутун инсониятнинг ҳаётига хаваф солаётган ядро омборларини чеклаш соҳасида кучғайрат сарфлаш зарурлигини Рейган тил учидагина эслатиб ўтди. Шу билан бирга у бундай чеклаш «текшириб туриладиган бўлиши»ни лозим, деб алоҳида писанда қилди. Кузатувчилар бу шарҳни Вашингтон ўзининг мазкур масаладаги бемаъни позициясини оқлаш учун баҳона сифатида фойдаланадиган писанда деб ҳисоблямоқда. Вашингтон ядро қуролининг янги туркумини, жумладан, қанотли ракеталарни зудлик билан ишлаб чиқмоқда. Мўътабар «Мудофаа ахбороти марказ»нинг қайд этишича, бу ракеталарнинг қуролли кучларга топширилиши «ядро қуроли устидан самарали контроллик қилишни ноилож бир нарса қилиб қўяди ва шу тариқа стратегик қуролни чеклаш тўғрисидаги янги битимлар йўлида жуда катта ғов бўлиб қоладди».

Маълумки, Вашингтон бу ракеталарни Ғарбий Европа мамлакатларининг территориясига жойлаштириб, уни ўзига хос бандига айлантириб қўйиш режасини тузмоқда. Пентагон раҳбарлари Си-би-эс телекомпаниясининг мухбири билан суҳбатда кеча Қўшма Штатлар бу ракеталардан Европадаги «чекланган» ядро тўқнашувида фойдаланишга тайёр эканини ва ўз қўшинларини ядро уруши шароитида ҳаракат қилишга тегишли равишда шайлаб қўйишга киришганликларини таъкидладилар. Шу муносабат билан президентдан: Европада чекланган ядро урушига йўл қўйиш мумкин деб ҳисоблайсизми ва бу урушнинг ялпи ядро можаросига айланиб кетишининг олдини олиш мумкинлигига умидингиз борми? — деган саволга тўппа-тўғри жавоб қайтаришни илтимос қилдилар. Президент жавоб беришдан бўйин товлади, аммо ўз маъмурияти Европада ядро қуроли ишлатиш эҳтимолини мутлақо истисно қилмаслигини шама қилди.

Президент чуқур социал-иқтисодий тангликка дучор бўлган Америка капитализмининг бедаво зиддиятларидан АҚШ жамоатчилигининг эътиборини чалғитишга уриниб, социалистик системанинг кучайиб бораётган жозиба кучини заифлаштиришга уриниш учун алоҳида ҳаракат қилди. У, социалистик тузумни зўр бериб қоралади, Совет Иттифоқининг ташқи ва ички сиёсатига қўпол туҳматлар ёғдирди. У фалсафадан мутлақо хабарсиз эканини ва дунёда содир бўлаётган тарихий жараёнларни тушунмаслигини намойиш этиб, ҳатто коммунизм «тез орада барбод бўлади», деб фолбинлик қилишга уринди.

«Вашингтон пост» газетаси тарихга мана шундай ибтидоий ёндашишнинг хатарли эканини тушуниб, якинда ўз саҳифасида Америка раҳбарларини 1917 йилдан буён ҳом хаёлларга берилиб, мана шундай тахминларни тўтиқушдек такрорлайвериб ҳар сафар мулзам бўлган сохта фолбинларга ўхшаб қолмасликка чақирган эди. Рейганнинг гапларига қараганда, мана шу сергак даъватга Оқ уйдагилар ҳамон қулоқ солишмаяпти. «Нью-Йорк таймс» газетасининг Рейганнинг матбуот конференциясини шарҳлаб президент ташқи сиёсат хусусидаги саволларга қайтарган жавобларида, «дағаллигини, ҳеч нарсадан хабардор эмаслигини билдириб қўйди ва ҳатто ёлғон гап ишлатишгача бориб етди», деб тан олишга мажбур бўлганлиги диққатга сазовордир.

Президентнинг халқаро проблемалар хусусидаги бошқа фикрларида ҳам Оқ уйда ҳукмрон бўлган милитаристик идеология нишоналари сезилди.

Рейганнинг шундан кейинги гапларидан маълум бўлишича, Вашингтон ўзининг янги чиққан «шериклари»га океан нариёғидагиларнинг ҳукмини ижро этувчиликдан иборат очиқдан-очиқ тобелик ролини ажратиб бермоқда ва ХХРнинг миллий манфаатларини сариқ чақага олмаяпти. Жумладан, у Пекиннинг неча марталаб билдирган «Норозиликларига қарамай, Вашингтон Тайвань билан кенг миқёсдаги муносабатларни бундан буён ҳам давом эттираверiш ва унга ҳарбий ёрдам бераверiш ниятида эканини ошкор қилиб қўйди. «Бизда Тайванга мудофаа анжомларини етказиб беришни ва муносабатларнинг бошқа жиҳатларини кўзда тутувчи қонун бор, мен мана шу қонуннинг қоидаларини бажариш ниятидаман, — деди президент. — Мен Тайванга муносабатимни асло ўзгартиргаким йўқ».

Президент Американинг ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартномага қўшилишдан бош тортаётган мамлакатларга қурол-яроғ етказиб беришни тақиқловчи қонунига қарамай, Покистондаги зулмкор режимга маъмурият 3 миллиард долларлик ҳарбий ёрдам беришга қарор қилганини ёқлаб гапирди. Покистон, деб таъкидлади у «Афғонистонда содир бўлаётган воқеалар сабабли жуда муҳим стратегик мавқеда турибди». «Покистонни қўллаб-қувватлаш АҚШнинг энг яхши манфаатларига мос бўлиб тушади, деб ҳисоблайман», — деди у. Кузатувчилар бу гапни Вашингтоннинг бундан буён ҳам Пекин билан биргаликда революцион Афғонистонга қарши хиёнаткорона урушни кенгайтириш ва регионнинг бошқа мамлакатларига, аввало Ҳиндистонга қарши агрессия тайёрлаш учун Покистондан қулай майдон сифатида фойдаланиш мақсади борлигининг ифодаси, деб баҳоламоқдалар.

Халқаро терроризмга қарши сохта «курашчи» аслида Ироқдаги атом қурилмасини безорилларча бомбардимон қилиб, халқаро террорнинг жинояткорона ҳаракатини амалга оширган Исроил агрессорларини ҳақиқатда ҳимоя остига олди. Унинг даъво қилишича, гўё Исроил Ироқнинг сиёсати хусусида «ташвишланиш учун асослари мавжуд» эмиш. Рейган Яқин Шарқдаги кескинлик давом этиб келаётганлиги учун Исроилни эмас, балки Исроил агрессиясининг қурбонлари бўлган араб мамлакатларини айбдор деб кўрсатди. У очиқ-равшан кўриниб турган фактлардан кўз юмиб, «мен ҳатто Исроил ўз қўшиниларига хавф солишини тасаввур этишим ҳам қийин», — деб айтди.

Исроилнинг осмон қўзғунларига зарба бериш учун Ливанга келтирилган Сурияннинг зенит ракеталарини президент «Исроилга қарши қаратилган ҳужум қуроли» деб атади. Бу гапнинг бемаънилиги шу қадар равшан эдики, матбуот конференцияси тугаши биланоқ, Оқ уй вакили, чамаси, Рейган «Мудофаа қуроли»ни демоқчи эди, деб «изоҳ» беришга мажбур бўлди.

Президентдан: ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартномани имзолашдан бош тортаётган, ўзининг атом объектларини халқаро контроль учун очмаётган ва, хабарларга кўра, ўзининг ядро қуролини ишлаб чиқараётган мамлакат бўлмиш Исроилга кенг миқёсда ҳарбий ёрдам беришни ўринли деб ҳисоблайсизми? — деб сўрадилар. Бир неча дақиқа аввал ўз маъмуриятининг ядро қуролини тарқатмаслик ишига ихлосмандлиги тўғрисида қасам ичган Рейган жуда довдираб қолиб, бу саволга жавоб қайтармасликни афзал кўрди ва «бу ҳақда тузукроқ ўйлаб кўрмаган эканман» деб кўя қолди. Шу муносабат билан Си-би-эс компаниясин уқтириб ўтганидек, АҚШ Исроилга «Лэнс» ракеталарини етказиб берганини, Исроил эса бу ракеталарни қайта ускуналаб, ўзининг ядро қуролини учиришга мослаштириб олаётганини қайд этди. Матбуотнинг хабар қилишича, Исроил атом бомбасини ясаш учун зарур бойитилган уран ва плутонийни айни АҚШдан олган эди. Исроил билан Жанубий Африка Республикаси Жанубий Атлантикада атом қуролини яқинда махфий равишда синаб кўрганини ойдинлаштирувчи мўътабар маълумотнома айни Оқ уйнинг ўзида «бости-бости» қилиб юборилди. Мана шуларнинг ҳаммаси Исроил ҳукмдорлари одат тусига киритган халқаро безорилик учун Вашингтон бевосита жавобгар эканини яққол кўрсатади.

Р. Рейган ўз маъмуриятининг ижтисодий тадбирларини кўкларга кўтариб макташга катта эътибор берди. Бу тадбирларнинг монополияпарастлик характери ва йўналиши очиқ-равшан кўриниб турганлиги сабабли журналистлардан бири Рейган маъмуриятини «давлатмандлар президентлиги» деб тўғридан-тўғри айтишдан ўзини тийиб қола олмади.

ЭРОН ПАРЛАМЕНТИДА

Эрон парламентида президент Банисадрнинг «сиёсий компетентлиги» ва унинг эгаллаб турган лавозимига қанчалик муносиблиги тўғрисидаги масала муҳокама қилина бошлади. Масалани муҳокама қилиш учун зарур миқдорда депутатлар тўпланмаганлиги сабабли муҳокаманинг бошланиши бирмунча кечикди, чунки Банисадр тарафдорлари овоз бериш ўтказилишига тўсқинлик қилишга уриниб, парламент мажлисига келмадилар. Банисадрни ҳокимиятдан четлаштириш кампаниясининг ташаббускорлари бўлган Ислом республикачилар партиясининг тарафдорлари етишмай турган ва ҳукуматни қўллаб-қувватлайдиган депутатларни мажлис залига етказиб келганларидан кейин муҳокамани бошлаш имконияти туғилди. (ТАСС).

Капитализм иллатлари

АЯНЧЛИ МАНЗАРАЛАР

Яқинда Женевада Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инсон ҳуқуқлари масалалари билан шуғулланувчи комиссияси экспертлари махсус ишчи группасининг доклади эълон қилинди. Ушбу ҳужжатда Жанубий Африка Республикасида африкалик меҳнаткаш аҳолининг ғоятда мушкул азоб-уқубатларга маҳкум этилаётганликлари кўпдан-кўп фактлар билан баён этилади. Чиндан ҳам бу ерда машъум апартеид сиёсати ерли халқларни муҳтожлик, очлик, ночорлик гирдобида қийнамоқда.

Мазкур ишчи группасининг ҳужжатида африкаликлар сиҳат-саломатлиги қай даражада ва улар ҳақида қандай «ғамхўрлик» қилинаётганлигига алоҳида эътибор берилган. Чунончи, улар ўртасида турли хил касалликлар кенг тарқалган. Қора танлилар учун хизмат қиладиган касалхоналар беморлар билан тўлиб-тошган. Чунки жой йўқлигидан бир гуруҳ беморларга ҳатто эътибор ҳам берилмайди. Бундай манзарани мамлакатнинг шаҳар марказларида кўриш мумкин. Қишлоқларда-чи? Шаҳардан ташқарида жойлашган аҳоли пунктларида эса умуман медицина ёрдами кўрсатилмайди. Баъзида оғир беморларни узоқ йўлдан шаҳар касалхоналарига олиб боришга тўғри келади. Уларнинг кўпчилиги эса йўлларда ҳалок бўладилар.

Мамлакатда оқ танлилар ва қора танлилар учун мўлжалланган алоҳида-алоҳида касалхоналар бор. Албатта оқ танлилар учун хизмат қиладиган шифохоналар қора танлиларникидан тамомила фарқ қиладн. Қора танли беморлар оқ танлилар даволанадиган касалхоналарга мутлақо киритилмайдилар.

Африкаликлар орасида кейинги йилларда авж олган касалмандликка асосан аҳоли ўртасида кенг тарқалган очарчилик ва муҳтожлик сабаб бўлмоқда. Одамлар тўйиб овқат емасликлари туфайли турли-туман хасталикларга дучор бўлмоқдалар. Айниқса бундан болалар азоб чекмоқдалар. Масалан касалхонага ётқизиладиган бир ярим — икки яшар болаларнинг ўртача вазни олти килограммдан ҳам ошмайди. Бу эса олти ойлик бола вазнига тўғри келади, деб таъкидланади ишчи группаси докладида.

Ишчи группасининг ҳужжатида аҳоли турмушининг бошқа аянчли манзараларини кўрсатувчи қатор фактлар ҳам бор. Маълум бўлган барча фактлар, дейилади докладда, Жанубий Африка маъмурлари инсон ҳуқуқларининг қўпол равишда бузилишига ҳар доим очиқдан-очиқ йўл қўйиб келаётганликларидан далолат беради.

АХТ ВА ЕШЛИК КУЙЧИСИ

ҲАСАН ПЎЛАТ ТУҒИЛГАН КУНГА 70 ЙИЛ ТЎЛДИ

Ўзбек совет поэзиясининг биринчи бўғинига мансуб шоирлар Амин Умарий, Султон Жўра, Зафар Диёр каби ёшлар қаторида Ҳасан Пўлат ҳам бор эди. Ҳасан Пўлат сафдошлари сингари адабиёт соҳасига масъулиятни яхши ҳис қилган ҳолда, шеъриятнинг меҳнатсевар фарзанди сифатида кириб келди. Ойбек таъбири билан айтганда: «у шеър деган иншиқ, серциққат машғулотнинг тошда гул ўстириш каби оғир захматига зўр қуват ва азм билан киришди».

Ҳасан Пўлат 1911 йили Куйбишев областининг Бариш районида фабрика ишчиси оиласида дунёга келади. Саккиз ёшлигида отаси вафот этиб, онаси билан Наманганга келиб қолади ва боладар уйида тарбияланади. Мактабда ўқиб юрган йилларида комсомол сафига ўтади. Ҳасаннинг илк шеърлари деворий газетада чиқиб туради. Кейинроқ, олий маълумот олиш учун Самарқандда Педакадемияда ўқийди.

1928—1929 йилларда Ҳасан Пўлат матбуотда кўрина бошлайди. «Шеър деган иншиқ» ҳунар ҳали шоирга бўйиш эгмай юрган дастлабки босқичда яратилган асарларида олинган мавзуни тўла очиб беролмаслиги, образларнинг схематик характерга эга экани, шеърий техниканинг заифлиги, ниҳоят тил таъбиридаги нуқсонлар яққол кўриниб турган бўлса, «Зарбачи кун» (1932), «Тоза нафас» (1933), «Пост» (1934) сингари тўпламларида, «Полвон» (1934) поэмасида ўша нуқсонларидан қутилаётгани сезилади.

Ҳасан Пўлат асарларида у яшаган даврнинг асосий белгилари, азамат беш йилликларнинг ҳарорати яхши тасвирланган. Сергайрат комсомол ишчи қаҳида ёзар экан, у сизсиз «ўксиб қолган шахта» ҳам, «гуллаган пахтазор» ҳам, «нефть беражак фонтан» ҳам бўлиши мумкин эмас, — дейди. Шу тариқа унинг ижодида саноатдаги, қишлоқ хўжалигидаги социалистик қурилиш мавзуи етакчи ўринга чиқади.

1934 йили шоир қаётида муҳим ҳодиса рўй берди. У Ёзувчилар союзига аъзо бўлди. Бу янги ижодий меҳнатга сафарбар қилувчи омил эди. Ҳар жиҳатдан бақувват асарлар ёза бошлагани кейинроқ чоп этилган «Шеърлар» (1939), «Мен бахтиёр» (1939), «Дўстлар» (1949) китобларида яққол кўзга ташланди. Улар самимийлиги ва жўшқинлиги билан ўқувчиларни ўзига ром қилди. Ҳасан Пўлат поэзияси «давр берган қувноқ соз» билан баланд пардаларда айтилган тақдирдан миннатдор кўнгил таронасидир. Бу тарона совет кишиларини жасоратга илҳомлантиради.

Ҳасан Пўлат асарларида шодликни, замондан мамнунликни, бахт ва ёшликни, баҳорни куйлаш алоҳида ўрин тутади. Агар «Пост» китобидаги «Ёшлигим менинг» шеърида: «Ёшлигининг бақувват остонасидан... қуёшдан ўт чиқиб, зўр машъал ёқиб, сўндирмай қўлимда тутиб келаман», — деган бўлса, 1937 йили «Май қўшиғи» шеърида: «Ёшлигимдай қуёш порлайди, Шодлигимни қучиб эсар ел», — дейди, Бошқа бир асарида шоир ёшлиги тонгги қуёшдай қизариб қалқийди, керак бўлиб қолса окоплардан боқади. «Баҳор шоллиги»да ўқиймиз: «Баҳор юрар боғда кўтариб, қуёш номли зўр байроғини». Ёшлик гуллар денгизида, севинчлар қўйнида сузиб юради. Май байрамидан шоир қалби севинча тўлиб, жаҳонга мурожаат қилади:

Қара бизга, эй улуғ жаҳон,
Бундай қувват, гўзаллик қайда!

Юксак гражданлик пафоси билан, чуқур ватанпарварлик ва интернационализм туйғулари билан суғорилган шеърлар автори Ҳасан Пўлат айни замонда муҳаббат мавзуида ҳам қалам тебратган. Муҳаббат лирикасидаги ёр ҳам, лирик қаҳрамон ҳам давримизнинг илғор кишилари, иқболини меҳнатда, илмда топган замондошларимиз. «Эркам», «Ёр», «Комсомол кўлида», «Кўзларингни излаб» каби шеърлар ҳам ёр мадҳига бағишланган. Ахир, «Ой бўлмаса, тунга юзи ой бўладиган», сўзи болдай ширин бахтиёр қизни севинчларга тўлиб куйламай бўладими? Улар билан фақат лирик қаҳрамонгина фахрланмай, замонамиз ҳам, «қаранг, қандай ҳур қизларим бор», — деб фахрланади.

Ана шу ҳур қизлар оғир жанг йилларида ўз фароғатидан кечиб, «ҳиссини, кўз нурини ва севгисини» қўшиб тиккан рўмолини ёрига юборади. Фронт орқасида бир жангчидай толмай меҳнат қилиб, севгилисига наказ берганда вафодор... ёр «Қўлдаги қиличимни сўзларингда қайрайман. Ёвни қириб, сўнг тикка кўзларингга қарайман» дейди. Афсуски, шоир йигитлар ўз сўзлари устидан чиққан севинчли кунларни кўролмади. 1942 йил 7 сентябрда 31 ёшида бевақт орамиздан кетди.

Аммо унинг ғалабамизга ишонч билан ёзган «Мен ўзбек йигит», «Баҳор», «Қизил танкист қўшиғи», «Она», «Азиз ҳамшира», «Икки жангчи — икки ёр» сингари шеърлари биз билан бирга орзулар ушалган кунни қаршилади.

Ҳасан Пўлатнинг 1940 йили ёзилган бир шеърида шундай мисралар бор:

Ширин умрим ўтган йўлларда,
Тупроқларда яшар изларим.
Ҳар замонда эслаб она-ер:
Бу бир бахтли одам изи, дер.

Дарҳақиқат, унинг излари Ватанимиз тупроғида, миннатдор китобхонлари ва ҳамқалам, ҳамнафас бўлган дўстлари қалбида яшамоқда. Ҳамон у сафимизда.

Маҳмудали ЮНУСОВ,
филология фанлари доктори.

ФАН-ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

ҲАЙВОНЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛАДИГАН ГЕНЕРАТОР

Тарту университетининг олимлари чорвани турли касалликлардан самарали ҳимоя қилиш системасини таклиф этдилар. Бу ерда ясалган электроэрозол генератор чорва боқилаётган оғилхоналардаги ҳавони тозалайди, дезинфекция ва вакцинация қилади.

Генератор махсус аравачада олиб юриш мумкин бўлган ихчам аппаратдан иборатдир. Дезинфекция қилишда у препаратни тўзғитади ва заррачаларини электрлайди, оғилхонанинг девор ва шипини юпқа парда бўлиб қоплайди. Статик ҳосса туфайли у узоқ вақт ушланиб туради.

Илгари шу ишни қилиш учун оғилхонани намлаб туришга тўғри келарди, бу эса кўп вақтни оларди. Вакцинация қилишда дори ҳавога тўзғитиладиган ва нафас йўллари орқали чорва организмига ўтади. Фермалардаги синоварнинг кўрсатишича, одатдаги профилактика ва эмлаш усулларига нисбатан дориларнинг таъсир самараси ошади, бундан ташқари препарат оз кетади, чорвадорларнинг меҳнати енгилашади.

К. ЗАХАРОВ. (ТАСС).

ҚУВУР ОРҚАЛИ ЭЛЕКТР

Ленинградлик мутахассислар Канск-Ачинск кони кўмиридан ҳосил қилинувчи водород билан электрни бир маҳалда юбориш йўлини таклиф этдилар. Совутиш саноати технология институтининг олимлари оригинал совутиладиган қувур лойиҳасини ишлаб чиқишга киришдилар.

— Совет мутахассислари запаслари жиҳатидан ноёб кўмир конини қазиш бир неча самарали усулларини топдилар, — деди институт криоген техникаси кафедрасининг мудири профессор Г. Головко. — Шунинг асосида электр энергияси билан бирга химиявий маҳсулотлар, жумладан водород ва суюқ синтетик ёқилғи ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда. Уларнинг истеъмолчилари Канск-Ачинск ёқилғи-энергетика комплексидан кўпинча юзлаб ва минглаб километр нарида бўладилар. Биз қоят паст температурада газни суюлтириб, сўнгра уни қувур орқали корхоналарга ҳайдашни таклиф қилдик.

Совутиладиган қувурларда суюлтирилган газ ҳайдаш кўп миқдордаги электр энергиясини юбориш учун қоят тўғризувчанлик ҳодисасидан йўл-йўлакай фойдаланиш имкониятини очади. Лаборатория шароитларида ўтказилган эксперименталар шу ҳисоб-китобларнинг тўғрилигини тасдиқлади.

Н. КРУПЕНИК. (ТАСС).

Андижон области. Марҳамат районидаги Куйбишев номли колхоз меҳнаткашлари зарбдор юз кунлиқда фаол қатнашиб, ғўза парваришини кун сайин авж олдирмоқдалар.

Бу ерда далада ишлаётганлар учун барча қулайликлар яратиб берилаётир. Суратда: почтальон Ҳайитбой Аҳмедов пахтакорларга газета ва журналларнинг янги сонини тарқатаётган пайт.

А. Ашуров фотоси (ЎзТАГ).

Михаил ДАВИДОВ

Ўзбек совет театр санъати оғир жудоликка учради. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон ССР Давлат академик Катта театрининг опера солисти, Ўзбекистон ССР халқ артисти Михаил Давидов 68 ёшида вафот этди. У 1913 йилда Тошкентда ишчи оиласида туғилди. 1939 йилда П. Чайковский номидаги Москва Давлат консерваторияси қошидаги ўзбек опера студиясини, 1946 йилда М. Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваториясини тугатди.

М. Давидов ижодий фаолиятини 1933 йили ўзбек давлат музикали театрининг артистлигидан бошлади. 1939 йилдан умрининг охиригача А. Навоий номидаги Ўзбекистон ССР давлат академик Катта театрининг опера солисти сифатида самарали ишлади.

М. Давидов ёрқин талантли артист сифатида ўзининг илҳомбахш маҳорати билан ўзбек опера санъатининг шаклланиши ва равнақ топишига, жаҳон, рус классик ва кўп миллатли совет музика маданиятини пропаганда қилиш ишига катта ҳисса қўшди.

У Шопур (Хуршид, В. Успенский «Фарҳод ва Ширин»), Сулаймон (У. Ҳожибеков. «Аршин мол олон»), Бўтажон (М. Ашрафий, С. Василенко «Улуғ канал») Роменадо (Бизе «Кармен») Чекалинский (П. Чайковский «Пиковая дама»), Шуйский (М. Мусоргский «Борис Годунов»), Ҳидоят (С. Юдаков «Майсаранинг иши»), Нишон (И. Ҳамроев «Ойжамол») ва бошқа кўплаб ёрқин, эсда қоладиган образлар галереясини яратди ва ҳақли равишда шон-шуҳрат қозонди.

М. Давидов А. Островский номидаги Тошкент театр ва рассомлик санъати институтида педагогик ишларга, ёш артистлар тайёрлашга ғўл кучғайрат сарфлади. Ўзбекистон Театр жамиятининг аъзоси сифатида жамоатчилик ишида фаол иштирок этди.

Театр ва музика санъатини ривожлантиришдаги хизматлари учун М. Давидов «Ҳурмат Белгиси» ордени, медаллар, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланган эди.

Истеъдодли артист, педагог, толмас меҳнаткаш ва ажойиб ўртоқ Михаил Давидовнинг ёрқин хотираси уни билганларнинг қалбида ҳамиша сақланиб қолади.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги

Ўзбекистон Театр жамияти

Маданият ходимлари касаба союзи республика комитети

А. Навоий номидаги Ўзбекистон ССР Давлат академик Катта театри.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Рафферти. Бадиий фильм. 3-серия. 11.15— Ҳужжатли фильм. 12.10 —Халқ чолғулари ижрочилари II Бутунроссия конкурсининг лауреати — Сиктивкар шаҳар баянчилар триоси чалади. 12.35 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20— Улуғ Ватан уруши бошланганлигининг 40 йиллигига. 16.20 — Шахмат мактаби. 16.50 — Концерт. 17.40 — Москва ва москваликлар. 18.10 — Зарница маршрутлари бўйлаб. 18.40 — Ҳамдўстлик. 19.10 —Мультфильм. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Мамлакат далаларида. 19.40 — Концерт. 19.50 — Спектакль. 21.30 — Время. 22.05 — Орбитадаги стадион. 22.35 — Дунё воқеалари. 22.50 — Концерт.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I.

11.30 — Телевизион бадиий фильмлар. 12.25 — Санъат ғунчалари. 12.55 — Касблар ҳақида ҳикоялар. 13.25 —Шеърият дафтаридан. 18.20 — Мультфильм. 18.30 — Ёшлик. 19.00 — КПСС XXVI съезди қарорлари ҳаётга. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Оламга саёҳат. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Дирижер ҳикоя қилади. 21.30 — Время. 22.05 — Дунё воқеалари. 22.35 — Ҳужжатли фильм

II.

18.40 — Болалар учун фильм. 18.50 — Ёшлик. 19.45 — Телефильм. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Пойтахт области далаларида. 20.50 — Физика.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА: 8.30 — Ўзбек шоирларининг шеърлари билан айтладиган қўшиқлар. 9.35 — Оркестр оҳанглари. 11.15 — Партия ходими минбари. 11.25 — Н. Норҳўжаев ва Э Қаландаров қўшиқлари. 12.10 — Ўзбекистан индустриальний. 13.00 — Озуқа жамғариш давом этмоқда. 14.00 — Совхозчилар беш йиллик вахтасида. 19.25 —Чолғу куйлари. 21.15 — Депутат ва ҳаёт. 21.25 — Қишлоқ меҳнаткашларининг талабларига биноан концерт. 22.30 — Бугун радиотеатрда.

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги

ТОШКЕНТ ПОЛИГРАФИЯ ТЕХНИКУМИ

1981-82 ўқув йили учун

КУНДУЗГИ ВА СИРТҚИ БЎЛИМЛАРГА

қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

КУНДУЗГИ БЎЛИМГА:

Полиграфия машиналари ва ускуналари, юқори босма технологияси, брошюралаш ва муқовалаш саноати технологияси, китоб савдоси товаршунослиги, полиграфия саноати корхоналарида планлаштириш, китоб ва журналларни техник таҳрир қилиш.

СИРТҚИ БЎЛИМГА:

полиграфия машиналари ва ускуналари, юқори босма технологияси, китоб савдоси товаршунослиги, полиграфия саноати корхоналарида планлаштириш.

Ўқиш муддати: китоб савдоси товаршунослиги ва полиграфия саноати корхоналарида планлаштириш мутахассисликлари бўйича — 2 йилу 10 ой (8-синф ҳажмида маълумотлилар учун), 1 йилу 10 ой (ўрта маълумотлилар учун): қолган барча мутахассисликлар бўйича — 3 йилу 6 ой (8-синф ҳажмида маълумотлилар учун), 2 йилу 6 ой (ўрта маълумотлилар учун).

Техникумга кирувчилар қуйидаги фанлардан имтиҳон топширадилар: 8-синф ҳажмида маълумот билан 1 курсга кириш учун — **она тили** (диктант), **математика** (оғзаки); ўрта маълумот билан 2 курсга кириш учун — **ўзбек тили ва адабиёти** (ишшо), **математика** (оғзаки).

ЭСЛАТМА: китоб ва журналларни техник таҳрир қилиш ихтисоси бўйича кирувчилар қўшимча бадиий чизма бўйича имтиҳон топширадилар.

Китоб товаршунослиги ихтисоси бўйича II курсга кирувчилар математика ўрнига тарих фанидан имтиҳон топширадилар.

Қабул қилинган ўқувчилар умумий асосда стипендия ва ётоқхона билан таъминланадилар.

Техникумга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (асл нусхаси), медицина справкаси (286-форма), 3х4 см. ҳажмдаги 4 та фотосурат.

Кириш имтиҳонлари 1 августдан 21 августгача ўтказилади.

Ўқувчилар сафига қабул қилиш 21—25 август кунлари ўтказилади.

Аризалар 31 июлгача (ўрта маълумотлилардан 14 августгача) қуйидаги адресда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, ГСП, Навоий кўчаси, 30«а»-уй (7, 8, 11, 16-трамвайлар; 1, 2, 4, 6, 7, 8, 14, 18-троллейбуслар; 14, 28, 42, 43; 64; 76; 100-автобусларнинг «Ҳадра» ёки «Марказий телеграф» бекатлари).

РЕСПУБЛИКА МУЗИКА ПЕДАГОГИКА БИЛИМ ЮРТИ

1981—1982 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти музика ва ашула ўқитувчилари, мактабгача тарбия муассасаларига музика раҳбарлари ва тарбиячиларини тайёрлайди.

Ўқув юртига ўрта мактабнинг 8—10 синфини ва музика мактабининг 7-синфини битирган қизлар ва ўғил болалар қабул қилинади.

Ўқиш муддати: 8-синфни битирганлар учун 3 йилу 10 ой; 10-синфни битирганлар учун 2 йилу 10 ой.

АРИЗАЛАР — 31 июлгача (8-синфни битирганлар учун) ва 1 августгача (10-синфни битирганлар учун) қабул қилинади.

Қабул имтиҳонлари 1 августдан 20 августгача ўтказилади.

8-синфни ва музика мактабининг 7-синфини битирганлар учун қуйидаги фанлар юзасидан кириш имтиҳонлари ўтказилади: мутахассислиги бўйича (сольфеджио-назария ва соҳаси бўйича), она тили ва адабиёт (оғзаки), музика қобилиятини текшириш.

10-синфни ва музика мактабининг 7-синфини битирганлар қуйидаги фанлар юзасидан кириш имтиҳонларини топширадилар: она тили ва адабиёт (ишшо), СССР тарихи (оғзаки).

Маҳаллий миллат ўғил ва қизлари кириш имтиҳонларини қуйидагича топширадилар:

Ўрта мактабнинг 8-синфини битирганлар учун: она тили (диктант), она тили ва адабиёт (оғзаки), музика қобилиятини текшириш.

Ўрта мактабнинг 10-синфини ва музика мактабини битирганлар учун: мутахассислиги бўйича (сольфеджио-назария ва соҳаси бўйича), она тили ва адабиёт (ишшо), СССР тарихи (оғзаки).

8-синфни битирганлар учун: мактабгача тарбия бўлимига кирувчилар қуйидаги кириш имтиҳонларини топширадилар: она тили (диктант), математика (оғзаки).

Адрес: Тошкент шаҳри, Чилонзор райони, Иван Франко кўчаси, «38 «а»-уй («Чилонзор» метро станцияси, 29, 50 78-автобусларнинг «18-квартал» бекати).

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА

20 июнь соат 19.00 да СССР БИРИНЧИЛИГИ УЧУН

олий лиганинг

«ДИНАМО» (Киев) — «ПАХТАКОР» (Тошкент)

командалари ўртасида

ФУТБОЛ

Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети овоз ёзиш ва радиоэшиттириш уйининг катта инженери, кенса ходим, республикада хизмат кўрсатган алоқачи

Мирали МИРМАҲМУДОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

АХБОРОТ

КОЛХОЗДА КОНСЕРВА ЗАВОДИ

Хива районидаги Фрунзе номли колхозда консерва заводи қурилиб, фойдаланишга топширилди. «Облколхозстрой» трестига қарашли Хива кўчма механизациялашган колоннаси қурувчилари Н. Злобин методи асосида бригада пудратини жорий этиб, қурилиш-монтаж ишларини тезкорлик, аъло сифат билан амалга оширдилар. Корхона Москва, Одесса, Днепропетровск, Куйбишев ва Батумидан келтирилган замонавий технологик ускуналар билан жиҳозланган. Завод шу йилнинг ўзида бир миллион шартли банка помидор, бодринг консерваси, ковун мураббоси, сабзи шарбати ишлаб чиқаради. Бунинг учун колхоз юз гектар ерда сабзавот ва мева етиштирмоқда. Бошқа қўшни хўжаликлар ҳам заводга сабзавот ва полиз маҳсулотлари етказиб беришади.

ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ЦЕХ

Хонқа райони марказида янги тўрт қаватли бино — республикада ягона эксперименталь шоли оқлаш цехи қад кўтарди. Ўзбекистон ССР Тайёрлаш министрлиги конструкторлик бюроси лойиҳаси бўйича қурилган ва яқинда фойдаланишга топширилган бу цехда донни тозалаш, қопга жойлаш ва транспортга ортиш ишлари тўла механизациялашган. Цехнинг ишга туширилиши туфайли областда етиштирилган шоли ҳосилининг катта қисмини узоқ жойлардаги корхоналарга ташиш учун эҳтиёж қолмайди, ҳосил шу ернинг ўзида қайта ишланади, харажат анча камаяди.

КИЧКИНТОЙЛАРГА ТУҲФА

Урганч шаҳар пахта тозалаш заводи ишчилари ва инженер-техник ходимларининг жажжи ўғил-қизлари «Узминхлоппром» механизациялашган кўчма колоннаси бунёдкорлари туҳфасидан чексиз мамнун бўлишди. Шаҳарнинг Ленин кўчасида 140 ўринли болалар боғча-яслиси ишга туширилди. Боғча-ясли замонавий мебель, асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.

Ф. ЗОҲИДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ПОЛИЗ ВА САБЗАВОТ МАССИВИ

Қарши чўлидаги Оланг яйловлари асрлар давомида қўйқўзиларнинг ўтлоқ жойи бўлиб келган. Шунга кўра бу ерларнинг унумдорлиги яхши. Маҳаллий ўғитга бой. Эндиликда ана шу яйловлар ўзлаштирилиб, экин экилмоқда.

Яқинда Баҳористон райони чўлқуварлари ана шу яйловлардан 600 гектар кўрик ерни ўзлаштириб, алоҳида полиз ва сабзавот экинларини ўстирадиган массив ташкил этдилар. Массивда район совхозлари ва ташкилотлари кучи билан помидор, ковун, тарвуз, сабзи, пиёз, ошковок экилиб парваришланмоқда.

М. КАРОМОВ.
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ШИФОКОРЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

ҚУВОНЧ УЛАШИБ

Фарзанд дунёга келди. Оила қувончга тўлди. Ана шундай дақиқаларда ҳар бир инсон учун ҳаёт янада гўзал, янада лаззатлироқ туюлади. Жамила Муҳамедовна аклини танибдики, одамларнинг қувончига шерик. Уларнинг ҳаётидаги энг тотли дақиқалар, энг бахтиёр кунларининг гувоҳи. У ҳозирги кунда бош врач бўлиб ишлаётган Киров районидаги 5-туғуруқхонада озмунча гўдак дунёга келганми? 25 йил мобайнида 60 мингдан ортиқ гўдак бу ерда туғилган бўлса, туғуруқхона ходимлари шунча оиланинг қувончига шерик бўлди деган гап.

1936 йилда медицина техникумини тугатган Жамила Нурмуҳамедова ўз меҳнат фаолиятини Тошкент область Паркент районида акушерликдан бошлаган эди. Ана шу вақтдан бошлаб у аёлларга — оналарга хизмат қилишга аҳд қилди. Кишиларга меҳрибонлик, оналарга муҳаббат уни кўплаб аёллар тақдири билан боғлади.

Улуғ Ватан уруши бошланганда Жамила опа Тошкент медицина институтини тугатган эди. Уруш даврида медицина ходимларига бўлган талаб айниқса ошди. Республика Соғлиқни сақлаш министрлиги унга Охунбобоев номли медицина техникумида ўқитувчилик қилиш учун йўлланма берди. Жамила Муҳамедовна педагоглик фаолиятини даволаш ишлари билан қўшиб олиб борди. Улуғ Ватан уруши туугагач, ўзининг юксак орзуси — акушер-гинекологлик ихтисосини эгаллади.

1955 йил пойтахтимизнинг Киров районидаги 5-туғуруқхонага пойдевор қуриладиган кезлари Жамила Нурмуҳамедова унга бош врач қилиб тайинланди. Қурилишни бошқариш, туғуруқхонани жиҳозлаш, кадрларни танлаш ишларида Жамила Муҳамедовнанинг ташкилотчилик қобилияти алоҳида намоён бўлди. Туғуруқхона қурилиб ишга туширилган пайтда ўринлар сони 110 та эди. Ҳозирги кунда у 150 тага етказилган. Замонавий медицина асбоб-ускуналари билан жиҳозланган, бугунги кун талабларига жавоб берадиган туғуруқхонага айланган.

Илгари бу туғуруқхона Тошкент давлат медицина институти 2-акушерлик кафедрасининг, врачлар малакасини ошириш институти базаси бўлган бўлса, ҳозир ушбу институт 2-даволаш факультетининг ўқув базасидир. Бу эса коллектив ҳаётида кадрларнинг малакасини ошириш, беморларни даволаш ва уларнинг касалларини аниқлашда янги усулларни қўлланишда катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Врачлар, ўрта ва кичик медицина ходимлари малакаси мунтазам ошиб бормоқда. Улар оналарга намунали медицина хизмати кўрсатмоқдалар. Даволаш ишлари кўрсаткичи тобора яхшиланмоқда. Бунда бош врач Жамила Муҳамедовнанинг ҳиссаси катта. У маъмурий-ташкилий ишлар билан банд бўлишига қарамасдан даволаш-профилактика ишларига ҳам алоҳида эътибор беради. Жамоат ишларида актив қатнашади. Киров район Советининг депутати сифатида ўз сайловчилари ишончини оқламоқда.

Жонкуяр шифокор халқ соғлиғини сақлаш соҳасидаги баракали хизматлари учун «Соғлиқни сақлаш аълочиси», «1941 — 1945 йиллар Улуғ Ватан урушида шаҳватли меҳнати учун», «Санитария мудофаси аълочиси» каби ишонлар ва медаллар билан мукофотланган.

Шу кунларда Жамила Нурмуҳамедова 60 баҳорни қаршиламоқда. Ажойиб шифокор, актив жамоатчи Жамила опага сиҳат-саломатлик, ишларида муваффақиятлар тилаймиз.

М. МИРЗАМУҲАМЕДОВА.

СПОРТ

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА:

ЯНГИЛАНГАН РЕКОРД

Таллин шаҳрида Бутуниттифоқ мусобақалари бўлиб ўтди. Сакраш бўйича ўтказилган баҳсларда республикамиз вакиллари юқори натижа кўрсатдилар. Чунончи, тошкентлик студент Владимир Черников уч ҳатлаб сакраш бўйича бундан 23 йил муқаддам ўрнатилган республика рекордини янгилашга муваффақ бўлди. Бу рекорд Олег Ряховский (16 метру 59 сантиметр) томонидан ўрнатилган эди. Владимир бу натижани 39 сантиметрга яхшилаш билан халқаро классдаги спорт мастери нормативини бажарди. В. Черников ғолиблик супасининг иккинчи поғонасига кўтарилган бўлса-да, мухлисларни беҳад қувонтирди. Унинг командадоши Б. Хохлов эса тўртинчи ўринни эгаллади.

ФУТБОЛ:

ЖАВОБСИЗ ТЎПЛАР

Иккинчи лига коллективлари ўртасида навбатдаги тур учрашувлари бўлди. Тўққиз учрашувда дарвозаларга 23 та тўп киритилди. Зона пешқадами бўлиб турган Фарғонанинг «Нефтяник» футболчилари Тошкентнинг «Старт» командасини қабул қилиб, дарвозага жавобсиз учта тўп киритишди. Очколарини 26 тага етказган фарғоналиклар мавқеларини мустаҳкамлаб олишди. Иккинчи ўринни эгаллаб турган самарқандлик динамочилар Уш шаҳрида маҳаллий «Олой» коллективи меҳмони бўлишди. Бу учрашув 2:0 ҳисобида динамочилар фойдасига ҳал бўлди. Самарқандликлар ҳисобидаги очколар 25 тага етди. Фахрли ўринлардан бирига талабгорлик қилаётган «Янгиер» командаси бу сафар дам олди.

БАҲСЛАР, МАРРАЛАР, ҒОЛИБЛАР

● ЧИМ ХОККЕЙ. Хоккейчи йигитлар ўртасида мамлакат чемпионатининг навбатдаги учрашувлари ўтказилди. Самарқандлик спартакчилар Москвада «Филя» командаси меҳмони бўлиб (1:1, 3:7) ўз ҳисобларига бир очко ёзишди. Ҳозир самарқандликлар 11 очко билан олтинчи ўринни эгаллаб туришибди. «Андижанец» ва «Старт» (Ленинск) командаларининг мавқеи ўзгармади. Улар 7—8 ўринларда боришмоқда.

● СУВ ТЎПИ. Олмаотада СССР кубоги учун ўтказилган зонал мусобақалар якунланди. Тошкентнинг «Меҳнат» командаси Минск жисмоний тарбия институти (8:5), Киев (13:8) ва Олмаота динамочилари (7:7) билан учрашдилар. Вакилларимизнинг ярим финалга чиқишлари учун бир очко етмай қолди. Олмаота ва киевлик динамочилар нурашни давом эттирадиган бўлишди.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ЮТУҚЛАРИ КЎРГАЗМАСИДА

КИТОБЛАР ОЛАМИ

Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг бош павильонидаги «Нашриёт» деб номланган бўлимда томошабинлар Шарқ лирикаси, ўзбек совет энциклопедияси ва 1981 ўқув йили учун мўлжалланган дарслик китоблар билан танишмоқдалар. Бўлим яна бир асар билан бойиди. Унга В. И. Ленининг ўзбек тилида нашр қилинган Тўла асарлар тўплами қўйилди. Бу китобларнинг ҳаммаси республикамиз нашриётларида чоп этилган.

Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистон қолоқ ўлкадан юксак маданиятга эга бўлган республикага айланди. Ҳозир Ўзбекистонда 75 та журнал, 280 номда газета чиқади. К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Ленининг 430 номдаги асарлари ўзбек тилида нашр этилди. 1924 йили 193 номдаги китоб 570 минг нусхада чоп этилган бўлса, 1981 йилга келиб эса 1522 номдаги китоб 40 миллион нусхада чоп этилмоқда. Ўзбекистон китоблари Иттифоқ бўйлаб тарқалаётир ва 43 мамлакатнинг 104 фирмасига экспорт қилинмоқда.

Ф. ШАРАФУТДИНОВ.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Редакция адреси: 700000, Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04; редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05; масъул секретарь — 33-79-14. 32-53-05; секретариат — 33-72-83, 32-53-06, 32-54-11; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19; марксизм-ленинизм назарияси пропаганда — 32-55-70; коммунистик тарбия — 32-54-29; халқаро ҳаёт — 32-54-14; саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36. 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20, 32-54-18; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24; ахборот ва спорт — 33-14-24. 32-55-17. 32-54-26. 32-54-27; хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13; иллюстрация — 32-57-22; стенографистка — 33-73-43, 32-54-05; жамоатчилик қабулхонаси — 32-54-16; эълонлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20; Самарқанд — 6-48-35; Сирдарё — 2-05-27; Сурхондарё — 3-92-36; Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 2-31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90.50.

Р. 02071. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. В. — 141. 1